

**ХҶЖАМУРОД
ТОЖИМУРОДОВ**



**ОВ
ҲАНГОМАЛАРИ**

Қорақалпоқчадан СОБИР ҲНАРОВ таржимаси

Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1989

Тожимуродов Х.

Т 60 Ов тангомалари: [Эртақлар: Урта мактаб ёшида-
ги бошланғич синф] (Қарак. С. Унаров тарж. — Т.:
Еш гвардия, 1989. — 80 б.

Қарақалпоқ ёзувчиси Хўжамурод Тожимуродов бу тўпламга
кирган эртақларни халқ оғзаки ижоди материаллари асосида
қайта ишлаган.

Эртақларда роҳат ва меҳнатга муҳаббат, катталарни ҳур-
матлаш, кичикларни авайлаш эъозланади.

Таджимурадov Х. На охоте: Сказки: Для детей
ср. шк. возраста.

С (Қарак)

Т 4803000000—28
356(04)—89 147—89

ISBN 5—633—00277—6

© Издательство «Еш гвардия», 1989 (перевод, оформление).

© Издательство «Қарақалпақстан» 1979.

НОВЧА МЕРГАН

Кушхона тоғида узун бўйли, қора кўз, чўкки бурунли, бурама мўйлов кўйган, қовоғи солиқ, яғрини кенг, хайбатидан одам кўркадиган даражадаги гавдали, қора чўгирмали¹ Новча мерган деган киши бўлган экан.

Кушхона тоғи атрофи ўрмон, кўм-кўк ўтлок, ёнбағрида ўсган гуллар, ҳар хил майсаларнинг ажойиб иси, юқоридан эсган майин шамоли кишини мафтун қиладиган даражада гўзал маконга айлантирган экан. Кушхонанинг орқа томонида катта кўл бўлиб, унда кишини ёзин ўрдак ва ғозлар ғақиллашиб, учиб-қўниб юраркан. Уларнинг товуши кўлга файз киритиб тураркан.

Кушхона ўрмонига лорсиллаган йўлбарс, улиган кашқир, чийиллаган шоқол, гурсиллаган чўчкалардан кўрқиб, одамлар кира олмас экан. Новча мерган ўша ўрмонда қопқон, тузоқ кўйиб, милтиқ отиб ов қилиб кун кўраркан. Унинг бошқаларга ўхшамайдиган фазилати — дуч келган нарсани милтиқ билан отиб қиравермай, ҳар куни фақат ўзига етарлигина отиб оларкан. Хуллас, мерган ўрмонни, жониворларни кўриқлайдиган, халқ-

¹ Чўгирма — туркман, қорақалпоқ ва хоразмликлар қиядиган думалок мўйна телпак (тарж).

нинг бойлигини кўз корачиғидай асрайдиган киши экан. Унинг Новча мерган дейишларининг боиси — бўйи жуда баланд, бунинг устига отган ўқи хато кетмайдиган мерган экан. Баҳор кунларининг бирида, икки йўловчи Новча мерганнинг уйида кўнок бўлиб ўтирганда, уларнинг бири:

— Одамлар сизни Новча мерган деб тилдан қўймайди, отган. ўқи хато кетмас эмиш, дейишади. Агар бу гап рост бўлса, манави осифлиқ турган қозоннинг устидан учиб ўтаётган ғозни отиб тушира оласизми? — деб сўрабди.

Новча мерган ўқларни, ўқлоғлик турган милтиғини қўлига олиб, қошларини чимириб:

— Халқ айтса, билиб айтади, — дебди-да, учиб бораётган ғозни кўзлаб туриб отибди, ўқ теккан ғоз осифлик қозон ичига чалажон ҳолда тўп этиб тушибди. Мехмонлар унинг мерганлигига тан беришиб, халқ орасида донғини ёйиб юборишибди.

Новча мерган бундан ташқари қушхонада кийик, ғоз, ўрдак, қуён боқар экан. Қарчиғай, бургути ҳам бор экан. Қишлоқнинг бир тўп болалари Новча мерганни, унинг кийиғини кўришга келишибди. Келишса, уйида тулки, кашқир, шоколнинг териларини ёғочга тикиб ёяётган экан. Болаларни кўриб:

— Ҳа, болаларим, келинглар! — деб кутиб олибди. Болалар мерганга тортинибгина савол бера бошлашибди.

— Мановилар ниманинг терилари?

— Бу тўқайдаги йирткичлар: тулки, кашқир, шоколнинг терилари, — деб бирма-бир қўли билан ушлаб кўр-

сата бошлабди мерган. — Булар тўқайдаги куён, кирговулларни еб қирғин келтиргани учун отдим.

— Мана бу нима?

— Бургут.

— Вой-вуй, катталигини!

— Мана бу-чи?

— Қарчиғай.

— Буларни қандай қилиб тутдингиз?

Новча мерган болаларга бургут билан қарчиғай ҳақида гапириб берибди:

— Бургут баланд тоғда бўлади. Буни катта кийинчилик билан ушладим. Қарчиғай тўқайда бўлади. Булар ҳам йирткич қушлардан ҳисобланади. Қарчиғайни тутиш учун тўқайнинг очик жойига тўр қўйиб, остига кирговулнинг терисини кўясан. Қарчиғай уни кирговул деб ўйлаб, ўзини тўрга уриб ўралиб қолади. «Қарчиғай ўзин тўрга урар, бир тишлам емиш учун», деб шунга айтишаркан, болалар.

Новча мерган болаларни қушхонага эргаштириб бориб, тош уюмлари, чўққилар, йирик-йирик ёдгорликларни кўрсатибди. Болаларга қадим замонларда бу ерларда ота-боболарнинг деҳқончилик билан шуғулланганини айтиб берибди. Болалар Новча мерганга қойил бўлиб қишлоққа қайтишибди. Қишлоққа келгандан кейин ҳам болалар халқ оғзидан у ҳақда бир қанча афсоналар эшитишибди.

* * *

Новча мерган ювиндини доим бир идишга қўйиб қўяр экан. Уни ҳар куни бир очкўзан келиб ичиб кетаверибди.

Бир куни очкўзан яна келиб идишга тумшуғини тиқибди. Ўчокка ўт ёқиб ўтирган мерган очкўзан томонга қараса, йўлбарс очкўзанга ташланмоқчи бўлиб тайёрланаётган экан. Очкўзан мерганга орқасини ўгириб олибди-да, йўлбарсга қараб тураверибди. Шу вақтда Новча мерган очкўзанинг бикинига қосовни босиб олган экан, у ўтга чидаёлмай йўлбарсни уриб нақ иккига бўлиб юборибди-да, ўрмон томонга қочиб қолибди.

* * *

Новча мерган тўқайни оралаб юриб айиққа дуч келибди. Айиқ тўқайдаги асалари уясини бузиб, асалини еяётган экан. Қоп-қора айиқ экан. Уни кўрган Новча мерган: «Буни бир хуркитиб юборай», деб милтиғини гумбирлатиб отган экан, айиқ чакалакка қочиб кириб кетибди.

Уни кўркитишга-ку кўркитибди-я, лекин мерганнинг ўзи ҳам сесканибди.

«Қора айиқнинг жаҳли ёмон бўлади, дейишарди. Яна менга хамла қилса-я!» деб хавотирланиб йўлида давом этибди.

Бир куни айиқ Новча мерганнинг уйига, қизга айланиб кийиниб келибди-да, у билан қўл олиб кўришибди. Шунда «қиз»нинг тирноқлари Новча мерганнинг кафтига ботиб кетибди. Мерган унинг айиқ эканини пайқабди. Айиқ мерганнинг уйда нон еб, чой ичиб, озроқ ўтириб қайтиб кетибди.

Новча мерган айиқнинг нима мақсадда келганини пайқаб, ўзининг гавдасидек келадиغان бир дарахтни олиб

келиб, унинг устига кўрпасини ёпиб қўйибди-да, ўзи бошқа жойда ётибди.

Тунда айик келиб, «вах» деб кўрпага панжасини ботирибди.

Айикнинг мушти зарбидан кўрпа тагидаги дарахт синиб кетибди. Шунда айикнинг тирноқларини дарахт синиғи қисиб қолибди. Айик чинкирган қўйи дарахтни судраб кочиб кетибди.

Бақириб кетаётган айик ўтинчиларга йўлиқибди. Унинг кўзидан дув тўкилаётган ёшни кўрган ўтинчилар:

— Сени ким урди, кимдан бунча жабр кўрдинг? — деб сўрашибди.

— Мени ёғоч урди. Ёғочдан қўлимни бўшатиб, — дебди у ёлвориб.

Ўтинчилар: «Созлов ернинг ёғочи, сабрсиз эрнинг сазаси», деб йўлларида давом этишибди.

* * *

Қушхона атрофидаги кишлок қорамолига йўлбарс оралаб, қирон келтираверибди. Одамлар уйларида чикишга кўриб, бир неча кун кишлок хувиллаб қолибди.

Йўлбарс ўлимтик молларни еб ётаверибди. Қишлоқ аҳолисидан бири Новча мерган хузурига келиб:

— Йўлбарснинг дастидан кишлоғимиз камал ҳолга келди. Молларимизни қириб юборяпти. Баслашадиган одам топилмади, ёрдам бер, биродар! — дебди.

— Маъқул, сиз кишлокқа қайтаверинг, — дебди мерган.

Ўзи эски кулбасига келиб, бошига, баданига, оёғига

килдан тўқилган чилвирни ўраб, қўлига болтасини олиб, кишлокка етиб борибди. Борса, йўлбарс ўлимтикни еб ётган экан. Йўлбарсга яқинлашган вақтда у Новча мерганга чап берибди. Новча мерган кўркмасдан тикка бора-верибди. Кишлоқ одамлари, болалари эшиклардан мўралаб қараб туришган экан. Мерган йўлбарс билан олишибди. Йўлбарснинг белини қисиб олиб, қўйиб юбормай тураверибди. Йўлбарс Новча мерганни тишлагани билан кил арқондан тиши ўтмабди. Новча мерган йўлбарснинг белини қисавериб охири синдириб юборибди.

Йўлбарснинг ваҳимали бўкириб юборганини бутун кишлоқ эшитибди. Новча мерган йўлбарсни ўлдириб, кишлоқ одамларини, молларини офатдан сақлаб қолибди. У ўтириб олиб, йўлбарсни сўйиб, терисига сомон тикиб уни худди тирик йўлбарсга ўхшатиб тикка қилиб қўйибди.

Кишлоқ аҳли, бола-бақра, қиз-жувон — ҳаммаси гуриллашиб келиб аломат воқеани кўриб, Новча мерганнинг довюрақлигига тонг қолиб:

— Баракалла, паҳлавон! Бу ишингни ўла-ўлгунча унутмаймиз! — дея қайта-қайта олқишлашибди.

Кишлоқ оксоколи Новча мерганни чакириб олиб уйда бир кун меҳмон қилиб, бошдан-оёқ сарпо қийдириб жўнатибди.

* * *

Новча мерган қўл ёқалаб юрган экан, оппоқ бир ҳайвонга кўзи тушибди. Бориб қараса, ярадор оқ қўй экан. У Новча мерганни кўриб кўркқанидан зўр-базўр қочибди-ю,

ҳоли келмай йиқилиб қолибди. Мерган бориб қўйни ушлабди, қўй жонивор рамакижон бўлиб қолган экан. «Жониворгина», — деб ок қўйни силаб-сийпаб уйига олиб келибди. Келиб синчиклаб кўрса, қўйнинг бир оёғига ўк тегиб, яраланган экан.

Мерган қўйнинг оёғини боғлаб, ем бериб, соғайтириб, куз кунларидан бирида қўл ёнига элтиб, оёғига белги солиб, у билан хайрлашибди.

* * *

Новча мерганнинг овозаси подшога етибди. Подшо жаллодларини юбориб:

— Новча мерганни қаердан бўлса ҳам топиб келинг! Тўқай подшоликники, унинг тўқайга эгалик қилишига йўл қўйиб бўлмайдди, — дебди.

Жаллодлар қалин тўқайни оралаб юриб, оч йўлбарсга дуч келишибди. Йўлбарс уларни қувибди, ўлар холатга етган жаллодлар зўрға қочиб қутулишибди.

Кушхона этагидаги кишлоққа келиб:

— Новча мерган дегани қаерда туради? — деб сўрашибди.

Кишлоқ одамлари Новча мерганнинг қаерда яшашини айтишмабди. Бир неча кун ўрмонни кезиб, жаллодлар чарчаб, отларидан тушиб бир қабр ёнига ўтириб дам олишибди. Ўрмон чивинию сўнасига чидай олмай ўзлари ҳам безор бўлиб кетишибди. Жаллодлар бир-бирларига қараб:

— Қани, подшога нима деб борамиз? — деб маслаҳатлаша бошлашибди.

— Новча мерганни тополмай борсак, нак теримизга сомон тикади-я! — дебди бири.

Ораларида кексароқ биттаси бор экан, ён-атрофга зийраклик биран назар солиб, кабристонга кўзи тушибди ва:

— Топдим-топдим! — деб бакириб юборибди.

— Нимани топдинг? — дея қувониб ҳаммалари унга карашибди.

— Биз борган вақтимизда Новча мерган ўлган экан, — деб подшони ишонтирамиз. Худди шундай деб айтсак подшо бизга ишонади.

— Бу зўр фикр! — дебди яна бир жаллод.

Ҳаммасига шу гап маъқул тушиб, улар подшонинг хузурига қайтиб кетишибди. Новча мерган Қушхонада соғ-саломат қолаверибди.

Ўзинг яхши бўлсанг, ҳаётда икки кишилик ўрнинг бор, деган мақол ўшандан қолган экан.

ХОННИНГ ҚИЗИГА УЙЛАНГАН ЙИГИТ

Бир бева кампирнинг ёлғиз фарзанди бор экан. Исми Қирчин экан. У ҳар куни азонда туриб, онасига:

— Ойи, хон кизини олиб беринг! — деб ер тепсиниб йиғларкан.

Ойиси:

— Камбағалга хон киз берадими? — деса ҳам у кўнмас экан. Боласи уззу кун ҳикиллайвергач, кампир ноилж юрак ютиб хоннинг хузурига кирибди.

— Хоним! Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, айтадиган бир оғиз гапим бор, — дебди кампир.

— Кечдим, айт! — дебди хон.

— Бир етим болам бор. Кунда азонда туриб: «Ойи, хоннинг қизини олиб беринг», дейди. Хон сендай етимчага қизини бермайди, десам айтганимга кўнмай танг қилади. Шу қизингизнинг қўлини сўраб келдим, хоним! — дебди кампир.

Хон шунда:

— Боланг дунёда йўқ бир хунарни ўргансин, ундан кейин, майли, қизимни бераман, — дебди.

Кампир эса қувонганидан қуллук қилиб чиқиб кетибди. У келиб ўғлига:

— Қирчин! Хон сени: «Дунёда йўқ бир хунар ўргансин, сўнгра розиман, қизимга уйлансин», деди. Сен ундай хунарни қаёқдан топасан энди? — дебди куйиб-пишиб.

Қирчин ўйланиб туриб:

— Ойи, мана бу томонда бир хунарбоз қассоб бор. Мени ўшанга олиб боринг. Унинг ҳамма хунарларини ўрганиб чиқаман, — дебди.

Кампир ўғлининг қўлидан етаклаб, хунарбоз қассобга элтибди.

— Суяги меники, эти сизники, чироғим, шу болани ўқитиб, тарбиялаб, ишқилиб, одам қилиб беринг! — дебди кампир қассобга. Қассоб боланинг афтига қараб турибди-да, қўлига ғалвир тутқазиб:

— Қани, йигитча, сув келтир, — дебди.

Қирчин ғалвирни қўлига олиб, арик бўйига борибди. Ғалвир тўрини лой билан суваб, қассобга бир ғалвир сув келтириб берибди. Қассоб ғалвир тўла сувни кўриб: «Ўғлинг қолаверсин!» деб устозлик қилишга рози бўлибди. У болани яхшилаб ўқитибди. Бола қассобнинг хизмати-

да ишлаб юриб, одамлар билмайдиган кўпгина хунарларни ўрганибди. Ҳатто хунарни пухта эгаллашда устозидан ҳам ўтиб кетибди.

Қассобнинг икки қизи бор экан. Иккови ҳам бола билан бирга ўқиркан. Қизлардан бири дарс тугагач, болага:

— Етим бола экансан, биз сенга зўр яхшилик қилмоқчимиз, — дебди.

— Нима яхшилик, айтаверинглар? — дебди бола.

Қиз:

— Шогирд устоздан ўзибди, дегандай, сен отамиздан ҳам хунарни ошириб юбординг. У кишининг ёмон одати бор: шогирди ўзидан ҳам уддабурро бўлиб кетса, албатта ўлдиради. Бугун сен учун хавfli кун, қандай бўлмасин, бирон йўлини қилиб қоч! — дебди.

Бола буни эшитиб, оёғини қўлига олиб қочибди. Қассоб уни отга айланиб қувибди. От изидан қувиб, етай деганда, бола ўрдак бўлиб учибди. Қассоб оккуш бўлиб қувибди, болага етай-етай деганда, йигит бир думалаб чумчукка айланибди-да, подшо саройининг деворига ёриғидан кириб, тахтда ўтирган шохнинг бошига жиға бўлиб қадалибди ва шу кўйи қотиб қолибди.

Қассоб хоннинг олдига салом бериб кирибди ва:

— Таксир, сизнинг жиғангиз нечта? — деб сўрабди.

Хон бошидаги тожини олиб қараса, иккита жиға бор эмиш.

— Буниси қаердан пайдо бўлди? — дея қўли билан сийпалаган экан, жиға тарик бўлиб ерга сочилиб кетибди. Хон олдида ўтирган қассоб дарҳол товукқа айланиб, тарикни чўкилай бошлабди. Хоннинг оёғи остида қолган бир тарик қутилмаганда бўрига айланиб, жўжалари

билан товукни еб кўйибди. Шундан сўнг бўри дархол одам тусига кириб:

— Хоним! Олдингизда бўлаётган ходисани ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Сизнинг онамга берган ваъдангиз бор эди: «Болангиз дунёда йўк хунар ўргансин-да, кизимни олаверсин», дегандингиз. Ҳозир мен кўрсатган хунар дунёда борми? — дебди. Хон ҳайрон бўлиб нима деярини билмай котиб қолибди. Шундан сўнг кизини катта тантана билан, карнай-сурнай чалдириб, кўрпатўшак, мол-мулки билан етим болага узатибди.

Гап ўрнини топса, мол эгасини топади, деган нақл шундан колган экан.

АҚЛЛИ ҚИЗ

Одамларни гуноҳсиз дорга осиб, сургунга жўната-верадиған, қиличидан қон томған бир золим хон бўлған экан. Ўша хоннинг элатида бир бева аёл ёлғиз қизи билан яшаркан.

Қиз бир куни азонда уйғониб, онасининг ҳасрат билан йиғлаб ўтирганини кўрибди.

— Ойи, нега йиғлаб ўтирибсиз? — деб сўрабди. Шунда онаси:

— Қизим, йиғлаганимнинг боиси бор. Бегуноҳ даданг золим хоннинг рўйхатига тушиб, сургунга кетганига ҳам кўп вақтлар бўлди. Даданг ўлганми, тирикми — шуни билмай дилгирман, қароғим, — дебди.

— Дадам қаёқда, қандай подшоликда? — деб сўрабди қиз.

— Бу ердан бир неча кунлик йўлда, кун чикиш томондаги бир подшоликда деб эшитган эдим. Дадангинг кайтарга пули йўклиги учун биронта савдогарнинг уйда малайлик килиб юргандир, эхтимол. Агар шу тахминим тўғри бўлганида ҳам, уни олиб келиш учун менда имконият йўқ-ку, — дея онаси яна йиғлаб юборибди.

Қиз индамасдан кичкина қутича ясаб, бир сичқонни ушлаб, майиз, ноннинг ушоғини ташлаб, сичқонга қутининг ичига кириб ейишни ўргатибди. Қиз ҳар куни шу иш билан шуғулланибди. Сичқон қутидан бошқа ёққа кетмайдиган бўлибди.

Қиз шахмат ўйнашни ҳам қунт билан ўрганибди. У кишлоқдаги болаларни шахмат ўйнаб бир бошдан мот қилаверибди.

Кунларнинг бирида қиз дадасидан қолган мол-мулкни сотиб, йигитча кийиниб, дадаси қул бўлиб юрган подшоликка сафарга отланибди.

Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, ўша подшоликка етиб борибди. У ерда юрган кунларининг бирида, «қалъага бошқа элатдан сулув бойбича келибди», деган хабар тарқалибди. Одамлар қизиқиб, уни кўргани кела бошлабди. Қиз меҳмон бўлиб турган чорбоғда карта, шахмат ўйналар экан. Дадаси хизмат килиб юрган бой савдогар ҳам шу чорбоққа келибди.

Савдогар бошқа ёқдан келган одамлар билан шахмат ўйнар экан. Ўйин бошлашдан олдин бундай шарт қўяр экан:

— Қимда-ким мен билан шахмат ўйнаса, мушугим кечаси билан чирок ушлаб ўтиради. Ўйин давомида мушугим чирокни уч маротаба ерга қўйса, ҳамма молу

дунёйиму кизимни ўша одамга бераман. Агар у одам ютказса, мол-дунёсини эгаллаб, ўзини қул қилиб оламан.

Савдогарнинг бу шартига йигит кийимидаги киз рози бўлибди. Шундай қилиб, иккови ўйинни бошлашибди. «Бола» халтасидаги қутисининг қопкоғини очиб, савдогарнинг кўзини шамғалат қилиб, бир кишмишни нарирокка улоктириб юборибди. Сичқон кишмишни олиб қочиб қутига кирибди. Мушук чирокни ерга қўйиб сичқон кетидан югурмокчи бўлгунча, сичқон қутига кириб кетибди. Савдогар мушугига дўк қилибди, «бола» бу пайтда шахматда ютишнинг йўлини ўйлаб қўйибди. Шундай қилиб, мушук чирокни уч марта ерга қўйибди. «Бола» савдогарни уч марта ютибди.

Савдогар унга мол-дунёсини, кизини бермокчи бўлибди. Лекин бола бу таклифни рад этиб, ховлисида юрган қулини озод қилишни сўрабди. Ютказган савдогар шарт бўйича бунга рози бўлибди. Шундай қилиб, киз дадаси билан кўришибди.

Ота-бола юртига қайтиб келиб, шод-хуррам яшай-веришибди. «Яхшига номардлик қилган фалокатга йўликади», деган нақл ўшанда пайдо бўлган экан.

ШОКОЛНИНГ ПОДШО БЎЛГАНИ ҲАҚИДА

Қадим замонларда ўрмон подшоси Арслон бўлган экан. Арслон кичик ҳайвонларга кун бермабди — еб қўя-верибди. Ҳайвонлар арслондан кўрқиб, озиб-тўзиб, бошқа ўрмонга қочиб кетишибди. Бир куни шу ердаги барча ҳайвонлар йиғилишиб:

«Арслонни подшо килиб сайлагандик, мана, кўрдинглар, кўпларимизни кириб юборди. Энди мусофир, подшоликни бошқара оладиган бошқа ҳайвонни сайлайлик», — деб маслаҳатлаша бошлашибди. Бу таклиф ҳам маларига маъқул тушибди.

Қуён, қирғовул, укки, шокол, арслон, йўлбарс, тулки, кийик — ҳаммаси йиғилишиб, қайси ҳайвонни подшо килиб тайинлашни билмай ўтиришган экан. Шу ўрмонда яшайдиган, ҳар куни бойвуччанинг товуғини ўғирлаб еб юрадиган қари шокол бор экан. У бугун тентираб, бойвуччанинг бўёқ қозонига тушиб кетиб, ўлар ҳолда қочиб қутулибди. Боши айланиб шу ерга келиб қолибди. Уст-бошидаги бўёғи ялтираб, бир четда шумшайиб ўтирганда унга қуённинг кўзи тушиб:

— Анови ҳайвон подшо бўлсин! — дебди.

Ҳамма ҳайвонлар бир овоздан шоколни подшо этиб сайлашибди.

Кунларнинг бирида ҳайвонлар теваракка разм солиб қарашса, бўлис, оксокол, кози, мулла — барча амалдорлар шоколнинг қариндошларидан тайинланган экан.

— Ҳаммаси ўзимиздан бўлди, келинлар, овлоқда бир увиллашиб олайлик, — дебди бир куни шокол подшо. Шоқоллар увиллашишибди. Тинчлиги йўқолган бошқа ҳайвонлар олифта шоколни подшоликдан олиб ташлашибди. Ўрмондаги ҳайвонлар шу вақтдан бошлаб подшосиз қолишибди. Шу сабабдан ҳайвонлар тарқок юришар экан.

«Кўнглинг тоза бўлса, тоғдаги тошга ҳам кир юкмайди», деган мақол ўша пайтдан қолган экан.

БОТИР ҚУЁН

Ўтган замонда ўрмонда яшовчи қуёнлар йиғилишиб маслаҳатлашишибди. Уларнинг энг каттаси:

— Биз ёғочнинг қисирлашидан, қамишнинг шитирлашидан, ҳаводаги қуш канотининг соясидан қўрқавериб ўлар ҳолга етдик. Қунимиз яшириниш билан ўтди. Энди, шу қўрқокликни қўяйлик, — дебди.

Қопқондан қочиб қутулган бир чўлоқ қуён тўнка устига ўтириб олиб, йиртик лабини пириллатиб, ғилай кўзларини олайтириб, мўйловини ликиллатиб мақтана бошлабди:

— Қўркув дегани нима ўзи? Мен ҳеч қандай йиртқич ҳайвондан ҳам, йиртқич қушлардан ҳам қўрқмайман. Қўркув деган нарсани йиғиштирайлик, — деб қўкрагига урибди.

Ботир қуён мақтаниб гапираётган пайтда ўрмоннинг қалин чакалакзоридаги ёғоч тубига бир қашқир яшириниб, уларни пойлаб турган экан. Бир қуён мақтанчочка:

— Қашқирдан ҳам қўрқмайсанми? — дебди.

— Қўрқмайман! — деб, яна мақтанибди у. Шунда пойлаб турган қашқирга кўзи тушиб, эс-хушидан айрилиб ўзини отган экан, улоқтирилган тошдай бориб, қашқирнинг манглайига тарс этиб урилибди.

Қашқир, пешонамга биров тош билан урди, деб қочиб қолибди. Қуён ҳам қашқир қувиб келяпти деб, орқасига қарамай қочиб кетибди.

«Қўрққанга қўша қўрinnaди», деб бежиз айтилмаган-да.



ХУНАР ҰРГАН

«Бир йигитга қирк хунар оз», дея нақл қиларди ойим ва ўйланиб туриб эртагини бошларди.

— Бир кекса чолнинг ёлғиз фарзанди бор экан. У ўғлига: «Болам, энди мен қартайдим. Сен қариганимда боқишга мажбурсан. Ҳеч қандай хунаринг бўлмаса, деҳқончилик қилолмасанг, хат ёзишни, китоб ўқишни билмасанг, қандай бокасан?» — дебди.

Кунларнинг бирида шу қишлоқнинг бой савдогари бошқа юртларга савдо қилгани кетаётганини эшитиб, мўйсафид қўлидаги охириги пулини ўғлига бериб, уни савдогарга қўшиб юборибди.

Ўғил савдогарга эргашиб кетаётиб, баъзи элларда болаларнинг китоб мутолаа қилаётганларини кўриб қолибди. Шунда у ўша толиби илмларнинг устозини суриштириб топибди.

— Муаллим! Менинг ҳам ўқигим келяпти. Неча тилло билан саводимни чиқарасан? — дебди.

— Минг тилла, — дебди муаллим дабдурустдан.

— Хўп, мен розиман, — дебди-да, бола минг тилла акчасини муаллимга тўлаб, мадрасада ўқиш учун ўша ерда қолиб кетибди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, саводхон бўлиб, элига қайтиб борибди.

— Болам, фойда қилиб кел деб жўнатсам, қурук қайтибсан-ку, — дебди отаси.

— Ота, мен дунёда йўқ мол топиб қайтдим, — дебди ўғил падарига.

— Молинг қани, кўрсат! — дебди ота.

— Топилмайдиган билим олиб қайтдим. Дунёда тенгсиз мол деганим ўша бўлади, — дебди ўғил.

— Яна озрок пулим бор эди, шуни ол-да, савдогарлик қилиб қайт! — деб чол болага яна минг танга берибди ва тағиң савдогарлардан бирига қўшиб юборибди.

Йўлда карвондагиларнинг ўзлари ҳам, туялари ҳам чанкаб қолишибди. Чанкаганларидан ўлар холга келишганда бир эски кудукқа дуч келишибди. Савдогарларнинг бошлиғи боланинг белига аркон боғлаб кудукка туширибди. Бола кудукдан кўзада сув чиқариб турса, ялтираган бир нарсага кўзи тушибди. Уни ҳам кўзага солиб узатаверибди. Ниҳоят болани кудукдан чиқариб олишибди. Боланинг сўнги узатгани соф гавҳар экан. Савдогарларнинг бошлиғи гавҳарга кўзи тушиб, болани ўлдирай деса — бунинг иложини тополмай, бир шумлик ўйлаб:

— Болам, кишлокқа қайтиб кетмасанг бўлмайди. Менинг энг қимматбаҳо бир нарсам эсдан чиқиб қолибди, ўшани олиб қайтгин. Мана бу хатни уйга элтиб бер! Сенинг савдонгни ҳам ўзим битираман! — деб уни ортига қайтарибди.

Бола қайтиб келаётиб хатни очиб ўкибди: «Шу борган болани ўлдириб, эски уйнинг тубига кўминг!» дейилган экан.

Бола у хатни йиртиб: «Шу борган болага бир ҳуржун тилла, йўрға отни, қизимни бериб юбор!» — деб ёзибди ва савдогарнинг уйига элтиб топширибди. Бир ҳуржун олтинни, йўрға отни, қизини олиб бола отаси ҳузурига борибди.

* * *

«Билимсиз бирни, билимли мингни йикар», деган накл ўшандан колган болам, — деб онам эртагини яна давом эттираверди.

* * *

Бир аёлнинг ёлғиз қизи бўларкан. Аёл қизига бир куни насихат қилиб:

— Болам, озодалик, тоза юриш, овқат пишириш, қозон-товокни тоза тутиш, уйни жиҳозлаш, нон ёпиш, кашта, кийим тикишни ўрганиш ҳаётдаги топилмас бойлик бўлади, — дебди.

Қизи онасининг айтганига кўнмабди. У бўй етиб узатилганда, онаси: «уйингга тўшарсан», деб битта гилам, кичкинагина туз қошиқ берибди.

— Чироғим, мана бу туз қошиқ. Сен овқат пишираётганигда қозонга бир қошиқ туз солсанг, овқатингнинг мазаси яхши бўлади, — дебди.

Онаси бир куни қизининг уйига меҳмонга келибди. Уйда ҳеч қандай тўшак кўрмабди. Қизи овқат пиширибди. Пиширган овқати шўр бўлибди. Йиртилган кўйлагини ҳам тузуклаб тика олмаган экан. Онаси қизидан:

— Кўрпа-тўшакларинг қаерда? Овқатинг нега шўр? — деб сўрайверибди. Шунда:

— Сиз берган гиламни ер ютди. Сиз берган қошиқ синди, — дебди қиз онасига.

— Хунарни ўрган, ўргану амалда синаб кўр, деган наклнинг маъносига энди тушунгандирсан, болам! Қан-

док килай, қай бирига қуяй, — дебди онаси ва йиғлаганча чиқиб кетибди.

КАТТАГА ҲУРМАТ

Бир золим подшо тахтга ўтиргач: «Қариларни тоғнинг ортидаги тўқайзорга олиб бориб ташлайсизлар! Қим бу буйруққа амал қилмаса, мол-мулки подшоликка ўтказилиб, ўзи дорга осилади!» деб элма-эл жар солдирган экан.

Шундан бери ҳамма одамлар қари ота-онасини тўқайзорга қўйиб келаркан.

Бир йигитнинг қари отасига ҳам навбат келибди. Отасини орқалаб бораётиб, йигит бир теракнинг тагига келиб дам олибди. Шунда отаси хохолаб кулибди.

— Ота, нега кулдингиз?— дебди боласи.

— Мен ҳам отамни орқалаб келаётиб, шу теракнинг тагида дам олган эдим. Отангга нима қилсанг, ўзингга ҳам ўша нарса қайтади, деганлари шу экан-да, болам, — дебди отаси.

Шунда ўғил отасини орқалаб ғириллаганча уйига қайтибди ва каттакон сандик ясаб, отасини шу сандикда бока бошлабди.

Қуларнинг бирида подшо туш кўрибди, тушини таъбирлаб берадиган биронта улуғроқ одам топилмабди.

— Тушимни таъбирлайдиган мўсафид одам топилса, ўлимдан кутқараман! — деб жар солдирибди подшо.

Чолнинг ўғли одамлардан бу хабарни эшитиб, сандик тепасига келиб, секингина:

— Ота, подшо туш кўрибди, шу тушимни таъбирлайдиган одам бўлса ўлимдан кутқараман, деб жар солибди. Подшо хузурига олиб борсам тушини йўйиб берасизми? — деб сўрабди.

— Кўп нарсани бошдан ўтказдим, ёшим ҳам анчага бориб колди. Таъбирини айтиб бераман, болам, — деб жавоб қилибди чол.

Ўғил кекса отани оркалаб подшо хузурига борибди. Подшо қариядан:

— Бир қора сигир ҳамма нарсани еб қўйди, бунинг маъниси нима? — деб сўрабди.

— Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман!

— Кечдим. Айтавер! — деб рози бўлибди подшо.

— Яқин орада юртингда очарчилик бошланар экан. Қора сигир — очарчилик белгиси. Қурғоқчилик бошланади. Экин битмайди. Халқни очарчиликдан омон сақлаб қолиш учун олтин, кумушингни аямай, бошқа подшоликдан дон сотиб олавер. Дон бўлса олтин ҳам, кумуш ҳам топилади. Халқ жипслашиб, подшолик улғайиб, обрўйн ортади. Эсинг борида этагингни ёп, деган ҳикмат бекорга айтилмаган, — дебди мўйсафид.

Унинг насиҳатига амал қилган подшо ва эл очарчиликдан омон қолибди. Шундан сўнг у қарияларни тўқайга элтиб ташлашни бас қилибди.

Бу воқеадан сўнг халқда: «Отангни нур, онангни хур деб бил», деган мақол пайдо бўлибди.

ПИЧОҚ

Бир қария фарзандига:

— Чироғим, энди мен қаридим. Тўримдан гўрим яқин бўлиб қолди. Сенга айтадиган икки оғиз гапим бор: биров сўрамаса пичоғингни ҳеч кимга берма. Ўтирар ўрнингни бил! Дўстингни топ, ундан ажралма, адашганда бориб маслаҳат сўра! — деб насиҳат қилибди.

Фарзанд отаси ўлгандан кейин унинг мисқоллаб йиққан мол-дунёсини безори болалар билан юриб сочаверибди, ичиб-еб ҳеч нарсасини қолдирмабди. Бола охири не қиларини билмай отасининг Бухородаги дўстиникига йўл олибди.

Отасининг дўсти хоннинг вазири экан. У болани оққўнгиллик билан кутиб олиб ўтирганда Бухоро амиридан вазирни зиёфатга чақириб одам келибди:

Вазир:

— Мехмоним бор, — дебди.

— Мехмон ҳам бораверсин! — деб амир одами ортига қайтибди.

Вазир:

— Болам, энди хонникига зиёфатга борамиз. Енимда ўтирасан. Одам кўп келади. Яхши ҳам, ёмон ҳам келади, шунда ўтирган ўрнингни ҳеч кимга берма! — дебди ва болани эргаштириб кетибди.

Қуюқ илтифот билан бирин-кетин салом беришиб одамлар келаверибди. Вазирнинг ёнидаги бола ўрнидан силжиб-силжиб, охири пойгакка тушиб кетибди.

Овқат сузилибди. Бола хоннинг ғазнабони билан ҳамтовоқ бўлибди. Ғазнабон гўшт тўғрай деса пичоғи қолиб кетган экан.

Атрофдагилардан «пичокларинг йўкми?» дея сўрама-са ҳам бола ўзининг олтин сопли пичоғини чиқариб берибди.

Ғазнабон гўштни тўғраб бўлиб, пичокни артиб кўнжиги тикибди ва:

— Бу пичок хонники. Ғазнахонадан ўғирлатиб, тополмай юрган эдим, — дебди. Сўнг жаллодларни чақириб, болани зиндонга солишни буюрганда, вазир:

— Менинг меҳмоним эди. Эртага хонга ўзим топшираман, — деб болани ялиниб олиб қолибди.

Вазир болани уйига олиб келиб, унга:

— Жойингни берма деган эдим, жойингни бериб кўйдинг. Дўстингни, душманингни танимай озиб-тўзиб келдинг, чироғим. Эртага хоннинг олдига борганда: «Менинг отам катта савдогар эди, икки туя олтин, кумуш билан Бухоро томонга кетган эди. Қайтиб келмади. Шу падаримни кидириб келаётсам, бир уюм кум ичидан унинг ўлигини топдим. Шу пичок отамнинг кўкрагига санчилиб турган экан. Элма-эл оралаб пичокни кўрсатиб келяпман. Қимда-ким: «Шу пичок меники», деса, ўша одам отамнинг қотили бўлади, дейсан, чироғим, — дея маслаҳат берибди.

Эртаси куни хон болани чақиртирганда вазир ҳам бирга борибди.

— Эй, бола, ростини айт, пичокни қаердан олдинг? Тўғрисини айтмасанг, ўласан! — дебди хон.

— Отам катта савдогар эди. Икки туя олтин, кумуш билан савдога чиқиб кетган эди. Қайтиб келмади. Отамни кидириб келаётсам, бир кум уюми ичида унинг ўлигини кўриб қолдим. Кўкрагида шу пичок санчилиб турган экан.

Ҳамма элларга кўрсатиб келаётган эдим. Ҳеч ким меники демади. Кечаги зиёфатда сизнинг хазиначонингиз меники деб таниб олди. Менинг отамни ўлдирган ўша киши экан. Отамнинг мол-дунёси билан ўша пичокни хазиначонингиздан ундириб беришингизни сўрайман, — дебди бола.

Хон:

— Ғазнабон! Бундай пичок бизнинг хазиначонада бўлган эмас. Сен пичокни каердан олдинг? — деганида ғазнабон ҳеч нарса дея олмабди.

Бола отасининг мол-дунёсини ундириб, пичокни ҳам олиб, элига қайтибди.

Харом ўйли унутганини ҳалол ўйли унутмайди, деган нақл шундан қолган экан.

ТУЛКИ БИЛАН ХҲРОЗ

Бир оч тулки ов кидириб юриб, кўранинг тепасида ўтирган хўрозни кўриб қолибди.

— Аттанг, бўйим етмайдиган жойда ўтирибди-да. Нима бўлса ҳам бир хийла қилиб кўрайин, — дея қий-панглаб, кўранинг тубига бориб хўрозга салом бериб, ҳолаҳвол сўрабди.

Тулки хўрознинг ширин сўзларини эшитмаганга олиб:

— Оғайни, қарибман шекилли, кулоқларим эшитмайди, сен билан бир отамлашай дегандим, жуда юкори ўтирибсан, гапларингни эшитмай, хумор қилиб турибман, пастга тушсанг-чи, иккаламиз бир ҳасратлашайлик! — дебди.

— Пастга тушгани сендан кўрқмасам ҳам, бошқа

ёввойи хайвонлардан кўркаман, шунинг учун юкорида туриб ҳам бемалол гаплашаверайлик! — дебди хўроз.

— Хавотирланма, яқинда подшомизнинг заиф жониворларга йирткичлар тегмасин, деган буйруғи чикқан, — дебди тулки.

— Тулки оғайни, гапинг тўғри. Анови келаётган икки-та тозидан кўркмай турганингга қараганда гапинг рост кўринади. Сал сабр қил, улар кетишсин, иккаламиз бирга гурунглашамиз, — дебди хўроз. Тулки тозиларни кўриб, думини қисиб жўнаб қолибди.

— Ие, буйрук чикқан дегандинг-ку? — дея қулибди хўроз.

— Шошмай тур, улар ҳали эшитмаган кўринади! — дебди тулки шарманда бўлганини яшириш учун.

«Тулкидай думингни ликиллатма», деган сўзни эшитганмисиз? Беҳудага айтилмайди-да у.

МАҚТАНЧОҚ СИЧҚОН

Бир сичқон деҳқон дон солиб қўйган ўра тагидан туйнук қазиб, донни ўзининг инига ташиб ола бошлабди. Деҳқон анча вақт ўрасидан хабар олмабди. Сичқон ўрани ўз мулкига айлантириб, умрида кўрмаган бойликка эга бўлиб яшай бошлабди. Бошқа сичқонларни ҳам меҳмонга чақириб қорнини тўйдирибди. Кўпчилик сичқонлар унинг хизматида бўлибди. Сичқон ҳаддидан ошиб, бир куни шу атрофдаги ҳамма сичқонларни инига меҳмонга чақирибди. Хизматчи сичқонларга ўрадан бугдой олиб қелишни буюрибди.

Сичконлар ўрадан буғдой тополмай келишибди. Ўзи бориб қараса, ўра бутунлай бўш эмиш.

Дехкон коподаги буғдойи тамом бўлиб, энди қишга саклаб қўйган буғдойни олиб келгани борса, ўранинг томи тушиб кетган экан. «Ўрани сичкон тешибди», деб буғдойни бошқа ерга қўмибди. «Бой сичкон» меҳмонларининг олдида масхара бўлибди. Меҳмонлар: «Ҳамёнингга қараб иш қилмайсанми?» дейишиб чиқиб кетишибди.

Ўша кундан бошлаб «бой сичкон»нинг ёнига битта ҳам сичкон яқин келмайдиган бўлибди. Гапини маъқуллаб, атрофида гирдикапалак бўлиб юрганлар ҳам энди уни тан олишмабди. «Бой сичкон»нинг ундан кейинги умри ёлғизликда ўтибди.

Қўрпангга қараб оёқ узат, деб шунга айтишади-да.

ЭЧКИ, ҚҲЙ ВА ҲҲКИЗ

Бурунги замонда бир кишининг ёлғиз эчкиси бор экан. У эчкисини боғлаб, ҳар куни бир сиқимдан қурук ўт солиб қўяверибди. Эчки етти кунда бир марта ўтлоққа қўйилар экан. Жониворнинг қовурғалари саналиб, озиб, ўлар ҳолига келибди. Эгаси эчкини боғлаб қўйганида кунига бир коса сут соғиб оладиган бўлса, ўз оёғи билан ўтлаб келган куни икки коса сут оладиган бўлибди. Эчкини ўт солмай боғлаб қўйвергандан сўнг елини қотиб, сути озая бошлабди. Баъзи вақтлари ҳатто эгасининг қосаси ҳам тўлмай қолибди. Бир куни эчки далада ўтлаб юрса, узун жуни терисига ёпишган ориқ қўйни қўриб қолибди.

— Ҳой, қўй жўра, аҳволинг қалай? Тани-жонинг соғми, қийналган қўринадан? — деб ҳол сўрабди эчки.

— Э, сўрама! Мен бир зикнанинг ёлғиз кўйиман. Кунига бир сиким кепак беради. Кўзимни ҳам эмизмай, сунимни соғиб олади. Ҳафтада бир марта ўтлагани юборади. Факат шундагина қорним тўяди, — дея дийдиё қилибди кўй.

— Вой, бечорагина-ей, сен ҳам мендай ғариб экансан-ку. Ахир, энди бу азобдан қутулишнинг йўлини қидирайлик! — дебди эчки. Иккови кўп маслаҳатлашишибди.

Эчки:

— Отам ўлмасидан бурун: «Кун ботиш томонда бир тоғ бор, унинг пичани, ўт-ўлани мўл, ҳавоси ҳам салқин, суви мазали, ҳеч қандай хавф-хатар йўқ, ўшаёққа борсанг роҳат топасан», дер эди. Ана ўша тоққа борайлик, — дебди кўйга.

Кўй бу гапни маъқуллаб, иккови тоққа қараб кетишаётса, олдинда бир қора кўринибди. Эчки билан кўйнинг юраги шувиллаб кетибди. Шунда ҳам: «Нима бўлса бошда борини кўрамиз», деб яқин келиб қарашса, у тирсақлари бир-бирига чалишган, оёқлари қалтираган, катта, лекин ориқ хўкиз экан. Кўй билан эчки хўкизга салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашибди. Хўкиз ўз аҳволини шундай баён этибди:

— Мен бир бойнинг хўкизиман. Куни билан кўшга, туни билан жувозга қўшиб, кўрсатмаган жабри қолмади. Ориқлаб, ўлар ҳолатга келдим. Ҳафтада бир кун дам беради, шундагина ўтлаб, жон сақлаб юрибман.

Эчки, кўй, хўкиз учаласи дўст тутинишибди. Улар бирга тоққа келишса, майсаси мазали, суви ширин, ҳавоси яхши экан. Учови ўтлаб, маза қилиб дам олишибди.

Орадан анча кунлар ўтибди. Учовининг ҳам семириб, жунлари йилтираб қолибди. Бир кунни яна улар тоғнинг бошка тарафларини кўриш учун йўлга тушишибди.

Тоғни оралаб юришса, hozirгина шу ердан ўтган кашқир билан тулкининг изларини кўришибди. Нарироқ боришса, ўлган кашқир билан тулкининг териси ётган экан, уни олиб ҳўкиз елкасига ортиб кетишаверибди. Бир пайт тоғ ўнгирига боришса, катта йўлбарс кашқир билан тулкига: «Бизга олиб келган емишинг, сарпойинг қани?» — деб бакираётган экан. Улар:

— Кун-тун изласак-да, сизга ҳеч қандай емиш топа олмадик, — дейишибди. Шу пайт эчки, қўй, ҳўкиз учови ўнгирга кириб келишибди. Эчки ёнидаги қўй билан ҳўкизга қараб:

— Қидириб юрганларимиз буёқда экан-ку. Биздан қочиб шу жарга тикилишибди, кўп овора қилмай топилганлари яхши бўлди. Қуни билан шилиб олган йўлбарс, кашқирларимизнинг териси ёмон эди, манавиларнинг териси жуда зўр экан, келинлар, дарров сўйиб олайлик! — дебди.

Йўлбарс, кашқир, тулкининг кўркқанларидан кўзлари ола-кула бўлиб, жон-понлари чикиб кетибди.

Тулки шумлик қилиб, ҳаммадан олдин ташқарига чикибди. Ўнгир олдида ётган йўлбарс, кашқир, тулки териларини кўриб капалаги учиб, олди-кетига қарамай зинғиллаб қочибди. Тулки келавермагач, изидан кашқир ҳам чикибди. У ҳам уюлиб ётган териларни кўриб шартта бурилиб жўнаб қолибди. Тулки билан кашқир келавермагач, йўлбарс ташқарига чиқаётган экан, ҳўкиз уни сузиб

ерга йикитибди. Қўй тепибди, эчки шоҳлабди. Йўлбарс азобланиб ўлар ҳолига келибди. У буларга:

— Сизга нима керак бўлса, барисини топиб бераман, фақат мени ўлимдан кутқаринглар, — деб ялинибди. Улар йўлбарсни қўйиб юбориб, ўзларининг маконига келишибди.

Кейин қўй билан хўкиз тоғдан ўнгири казибди. Эчки далада теракнинг учига чиқиб ётибди. У йўлбарс, кашқир, тулки — учаласининг гаплашаётганини эшитиб, дарҳол шерикларига хабар берибди. Хўкизни теракнинг бошига чиқарибди-да, қўйни ўнгирига киритибди, эчкининг ўзи эса теракнинг тагига ўтирибди. Йўлбарс, кашқир, тулки етиб келиб, эчкига ҳамла қилибди, шу пайт хўкиз бирдан жаҳли чиқиб талпинганида теракнинг шохи синиб кетиб, хўкиз йўлбарснинг яғринига тушибди. Қўй ҳам ўнгиридан чиқа солиб йўлбарсга ёпишибди, кўплашиб-кўмаклашиб йўлбарснинг қорнини ёриб ташлашибди. Муродлари ҳосил бўлибди.

Душманни аяган панд ейди, деган нақл ўшандан қолган экан.

АРСЛОН БИЛАН ҚУЁН

Бир ўрмонда кўп қуён яшар экан. Уларга халақит берадиган кўп душман бўлмаса ҳам кўпга татийдиган бир душмани бор экан. Бу — ўзини ўрмон шохи санайдиган арслон экан. Қуёнлар арслон билан битимга келишибди. Улар ватанни ташлаб кетгилари келмай арслонга ҳар куни бир қуён бериб туришни ваъда қилиб, келишиб оли-



шибди. Қуёнлар кунига чек ташлаб, номи чикқан қуённи арслонга юборишар экан. Бир куни зийрак қуённинг номи чекка тушибди. Қуёнлар зийракни энди сен боргин, деб кистайверишибди. Зийрак қуён:

— Мени хадеб зўрлайверманглар, бир ўйлаб қўйган ҳийлам бор, агар шу амалга ошса, ўзим ҳам омон қолам, сизларни ҳам қутқараман, — дебди.

Қуёнлар рози бўлишибди. Зийрак қуён тайинланган вақтдан кечикиб, бир қанча вақт ўтказиб арслоннинг ёнига борибди. Узоқроқда туриб салом берибди. Очликка чидаёлмай турган арслон думини ерга гурсиллатиб уриб:

— Қелтирган қуённинг қани? — деб сўрабди.

— Мен олиб келаётган эдим, йўлда бир арслон тортиб олиб қолди, подшомизнинг ризки десам, ёмон сўзлар айтди. «Подшоҳингиз бу ердан кетсин, бўлмаса бошига оғир савдо соламан», деди.

— Менга кўрсат уни! — деб хайкирибди арслон.

Қуён бошлаб кетибди, бир жойга бориб тўхтабди, кўрқиб-қалтираб нариги арслондан кўркаётганини айтибди.

Арслон:

— Кўрқсанг, кел, мен қучоқлаб олай, фақат уни менга кўрсат, — дебди.

Қуён уни бошлаб эски қудуқнинг ёнида тўхтабди. Қудуқнинг милтиллаб турган тиниқ сувида арслоннинг акси кўринибди, унинг қучоғидаги қуён арслонга ўлжага берилган деб ўйлабди ва ўзини қудуққа ташлабди. Зийрак қуён омон қайтиб келиб, ватандошларидан суюнчи олибди.

«Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан», деган нақл ўшандан қолган экан.

ШАРМАНДАЛИК

Халифа ал Мустознинг онаси Қабиха қимматбаҳо гавҳарлар тўплаган, бироқ у аёл шунча бойликни на ўзининг корига, на бошқа фойдали ишларга сарфламаган экан.

Ҳаттоки турклар 50 минг динор берсанг, Солиҳ ибн Восифни (турк саркардаси, 866—870 йиллари хизмат қилган) ўлдириб, асирликда жабр кўраётган ёлғиз ўғлингни қутқариб юборамиз, дейишганида ҳам Қабиха зикналик қилиб, қимматбаҳо гавҳарларини фарзандидан афзал кўрган экан.

Ал Мустознинг ўзи онасига: «Йиғиб қўйган гавҳарларингиздан бериб туриг», деб ёлборганида ҳам, у: «Ҳеч қандай бойлигим йўқ», деб жавоб берган экан.

Ўғли ал Мустоз ўлдирилгандан кейин Солиҳ саркарда Қабиханинг яшириб қўйган уч сандик бойлигини топиб олибди. Сандикчаларнинг биридан кўзни қамаштирадиган гавҳарлар, иккинчисидан эса ундан ҳам қимматроқ дурлар топилган экан. Бундай тенгсиз бойлик Мутабақкилнинг ҳазинасида ҳам йўқ экан. Ҳатто дунёнинг бошқа бурчакларидан ҳам топиш мушкул экан.

Учинчи сандикчада бир талай ёқут бор экан. Бундай мол-дунёни хали кўз кўриб, қулоқ эшитмаган экан. Мабода қутичалардаги ҳисобсиз инжулар сотилса, бир неча миллион динор бўлар экан. У гавҳардан ташқари миллион динорга тенг келадиган асл буюмларни ҳам топишибди.

Қабиҳа буларнинг ҳаммасини нодонлиги ҳамда очкўзлиги туфайли тўплаган экан.

Елғиз фарзанди ўлиб кетганидан сўнг, халифаликка надоматлар ёғила бошлабди. Емай-ичмай йиққан дунёси Қабиҳа мастонга фақат шармандалик келтирибди, барча йиғиб-терганларидан айрилиб, аклдан озган аёл кийим-кечаксиз кабристон оралаб, ўғлининг номини айтиб додлаб юрибди.

Мол бевафо, деб шунга айтишади.

ЯХШИЛИККА—ЯХШИЛИК

Новча мерган ўрмонни оралаб юриб, бир жойда йўлбарснинг икки боласини мижиғлаётган қашқирларни кўриб қолибди. Икки йўлбарсча ҳам қашқирлар билан олишиб, кип-кизил қонга беланган экан.

Қашқирлар Новча мерганни кўриши билан нарирокка бориб чўнқайиб ўтирибди-да, сўнг жўнаб қолишибди.

— Жониворларим-эй, — дея икки йўлбарсчани силаб, олдиларига она йўлбарс қўйиб кетган емишни ташлаб ўтирганида, бирданига иккита йўлбарс келиб Новча мерганга ташланибди. Шунда йўлбарсчалар Новча мерганнинг олдига ўтиб: «У бизнинг ғамхўримиз ахир», дегандай, ҳалокатдан сақлаб қолибди. Икки йўлбарс икки ёқда чўнқайиб ўтиришгач, болалар бориб онасини эма бошлабди.

Ота ва она йўлбарс болаларини ялашга тушишибди. Новча мерган кўрққанидан турган жойида серрайиб ранги бўздай оқариб кетибди. «Мени бу ерга ажал хайдаб келган экан-да», деб ўйлабди.

Йўлбарс болалари онасини эмиб бўлганларидан сўнг Новча мерганнинг ёнига келиб, кучукдай унинг кийимларини торткилаб ўйнай бошлашибди. Новча мерган эса серрайиб тураверибди. Бир вақт йўлбарслар ерни ҳидлай бошлашибди ва қашқирларнинг изини кўриб қолишибди. Осмонга қараб иккови бирдан улибди-да, қашқирларнинг изидан думларини қамчи қилиб югуриб кетишибди.

Новча мерган нима қиларини билмай, анграйиб турганида йўлбарслар қайтиб келишибди: иккала йўлбарс биттадан қашқирни оркалаб олган экан. Келган заҳотлари қашқирларни йўлбарсчаларнинг олдига келтириб ташлашибди. У қашқирларни йўлбарсчалар хумордан чиққунча талаб-тишлабдилар. Қашқирлар бояги зўравон қашқирларнинг ўзлари экан-да. Икки йўлбарс: «Бизнинг болаларимизнинг дўстисан», дегандай Новча мерганни бирданига ялаб, олдига узала тушиб, кўзлари машъаладай ёниб, думларини ерга савалайверишибди.

Новча мерганнинг миясидан: «Йўлбарслар яхшилиқни тушунар экан», деган ўй кечибди ва кетишга шошилибди.

— Шерларим, омон бўлинглар, — дебди ва уйига қараб аста жўнабди. Икки йўлбарс уни кузатиб боришибди. Энди қайтар деса қайтмасмиш. Иккови икки қашқирни оркалаб келаверибди. Новча мерганнинг уйига келгач, икки қашқирни совға қилиб кетишибди.

Кунларнинг бирида Новча мерганнинг олдидан бир тўда қашқир чиқиб, унга ҳамла қилибди. Мерган милтиқ отиб, бир неча қашқирни қулатгач, бояги йўлбарслар етиб келиб, қашқирларни кириб ташлабди. Новча мерган ўша қашқирларнинг терисидан пўстин тикиб кийган экан.

ЭРТАКЧИ ДОНИШМАНД БИЛАН СУҲБАТ

Собирбой Эшберганов деган кўпни кўрган, хотираси ўткир, эртакгўй мўйсафид бўларди.

Бизнинг кишлоқ болалари бўш вақтларида кўпинча шу донишманднинг уйига бориб, эртак, афсоналар тинглашни одат қилишганди. Очиқкўнгил, донишманд чол болаларнинг тилақларини бажо келтириб талайгина эртақлар сўзлаб берарди. Бир куни болалар келиб:

— Бобо, айтиб берган эртақларингиз учун минг-минг раҳмат. Жуда қизик эртақлар экан. Яна эртак, афсоналардан айтиб беринг! — деб илтимос қилишибди.

— Шошмай туринглар, айтиб бераман хали, — дебди кекса донишманд.

— Айтинг, — деб болалар уни кистайверишибди.

Эндигиси ўша донишманд айтган эртақлар.

«Ёвни аяган панд ейди», дея бошлабди у биринчи эртагини.

ЁВНИ АЯГАН ПАНД ЕЙДИ

Бир киши қопини елкасига ташлаб, арқонни белига боғлаб, ўрмондан ўтин олиб келгани борса, ўт кетиб, дарахтлар ёниб бўлган экан. Фақат қулнинг орасида бир нараса ғимир-ғимир қилармиш.

— Жонивор-эй, ўт ичида қолган қуён-ку, — деб ўтинчи қопига арқон боғлаб, қопнинг ичига кесак солиб, нимадир қимирлаётган жойга отибди. Арқонни тортиб олиб қопга қараса, ичида бир илон ётганмиш. Илон:

— Мен сени чақаман, — дебди.

— Гуноҳим нима, сени оловдан асраб қолганимми?

— Одамга, жониворларга дўст эмасман, чақаман дедимми, чақаман.

— Майли. Фақат битта шарт қўяман, — дебди ўтинчи. Ҳақиқатни уч далил исботлайди, деган гап бор. Хозир икковимиз йўлга тушамиз. Уч нарсага йўлиқайлик, ўша уч нарса ҳам инсон душман деса, унда мени чақавер, ажалим сенинг қўлингда бўлади, — дебди ўтинчи.

Иккаласи кетаётса, олдиларидан сигир чиқибди. Ўтинчи:

— Мана бу илон, «одамга, жониворга дўст эмасман, мен сени чақаман», деяпти. Мен уни ўлимдан олиб қолдим. Унинг гапи тўғрими?— деб сўрабди ундан.

— Илон тўғри айтибди, — дебди сигир бепарво.

Шунда илон:

— Чақаман! — деб вишиллабди.

Одам:

— Тўхтаб тур, ҳали икки имконият бор, — деб илтимос қилибди.

Икковининг олдидан қуён чиқибди. Ўтинчи:

— Қуён, мана илон, «одамга, жонзотларга дўст эмасман, сени чақаман», дейди, у тўғри айтяптими?— деб сўрабди ундан.

— Илон тўғри айтяпти, — дебди қуён. — Мен бир бечора жониворман. Жинғилнинг баргини, дарахтнинг япроғини, қорабарокни еб кун кўраман. Дехқонга ҳеч зиёним тегмайди. Шунда ҳам мени улар отиб олади, итига талатади, қопқон қўйиб, қийнаб тутиб олади. Қўрдингми, одамнинг «дўст» эканлигини?

Ваъдага мувофик улар яна бир далил учратиш учун йўлда давом этишибди.

Иккови кетаётса олдиларидан бир одам чиқибди. Ўтинчи ҳалиги одамдан:

— Бу илон «инсонга, жонзотларга дўст эмасман, мен сени чақаман», деяпти. Мен уни ўлимдан қутқардим, унинг иши тўғрими? — дея сўрабди.

Шунда ҳалиги одам:

— Тўғри, лекин сен қандай қилиб илонни ўтдан қутқардинг. Илон, сен қандай қопга кирдинг? Ҳеч ишонгим келмаяпти. Қани, бир кўрсат-чи, — дебди. Илон «қопга бундай кирдим, бундай қилиб ётдим, қопнинг оғзини бундай қилиб боғладим», деб қопга кириб кўрсатибди.

Шундан сўнг икки одам қопнинг оғзини маҳкам боғлаб, иккови икки ирғай таёқни олиб, илонни роса савалаб ўлдирибди.

Душманни аяган панд ейди, деган мақол ўшандан қолган экан.

ЛАТИФ ЎТИНЧИ

Қадим замонда Латиф ўтинчи кишлокқа ўтин олиб бориб сотиб, пулига бир овқатлик ун олиб, қари онаси иккаласи атала пишириб ичар экан. Ярим яланғоч, тўшашга пўстаги, ёпинишга кўрпаси ҳам йўқ экан. Кеч тушгач, иккаласи ҳам кийимлари билан ётаверишаркан.

Латиф ҳар куни одати бўйича эрта туриб, кишлокқа ўтин орқалаб кетаётса, олдидан яхши кийинган сулув бир келинчак чиқибди.

— Хой, йўловчи, йўл бўлсин. Шошмай туринг, — дебди у.

Латиф ўтинни ерга кўйиб:

— Чироғим, қишлоққа боряпман. Мени тўхтатма, бо-
радиган манзилим жуда узок, мана бу ўтинни олиб бориб
сотаман, уйда ейдиган ҳеч вакомиз йўқ. Онам оч-наҳор
колган, шу туфайли шошиб кетяпман, — дебди.

— Сен ҳеч нарсага ёлчимаган шўрлик одам экансан.
Сенга бир умрлик йўлдош бўлмоқчиман, сени яхши кўриб
колдим, — дебди аёл.

— Ўйлаган одаминг мен эмасман, мендай шўрликка
сендай сатанг хотин бўлармиди, кўйиб юбор мени, — деб
у ўтинини оркалаётганда аёл ўтинга осилиб туриб:

— Тўғри, мен хоннинг хотини эдим. Хон сен бахтсиз-
сан деб, ҳар куни азоб бераверди. У менинг омадим кетяп-
ти, бунга сен сабабчисан, деди. Мен бундай бахтиқаро
эмасман, дедим, агар шу фикрингда турсанг талок фат-
вомни бергин, бахтимни синаб кўрайин, деб хондан талок
хатимни олиб келяпман. Уйдан чиққан захотиёк, олдим-
дан ким чикса ҳам, ўшанга бошимни боғлайман, бахтим-
ни синаб кўраман, деб келаётган эдим. Сендай бечорани
бахтли қилишга қурбим етади, уйингга бошла, — дебди.

Ўтинчи аёлни уйига бошлаб борибди.

Жувон ўтинчининг онасига икки букилиб салом бериб-
ди-да, ўзини таништирибди. Сўнгра ўзи ҳам уй ишларига
уннаб кетибди, ҳаммаёкни ёғ тушса ялагудек қилиб то-
залабди. Қорайган қозонни ўт ёкиб окартирибди. Кам-
пирнинг кир босиб кетган бошини ювибди. Оз вақт ўтмай,
шу уйнинг бекасига айланибди. Латиф ўтинчи шундагина
у жувоннинг яхши ният билан келганига амин бўлибди.

Латиф йиққан ўтинини сотиб, бир овқатли ун олиб ке-
либди. Жувон учалаларига етарли атала пиширибди.

Азонда чой билан ичишга нон ҳам ёпибди. Ўтинчи ичичидан қувонармиш. Эпли хотин керакми, сепли хотин керакми, дермиш ўзича. Жувон она-боланинг кирларини ювиб, жанда кийимларини ямабди.

Латиф яна бир куни ўрмонга бориб, ўтин кесиб юрса, буталар орасидан учта тухум топиб олибди. Ўтин билан тухумни ҳам уйига олиб келибди.

— Хотин, мен ўрмондан учта тухум топиб олдим, — деб уларни хотинига кўрсатибди.

— Худо берибди-ку. Ишнинг юришгани бу. Бозорга ўтин олиб боргин-да, уни ҳам сотиб кел. Тухумни энг кам баҳога сўраганга сотгин, — дебди хотини.

Латиф ўтинни сотиб бўлиб, бозорда «тухум оладиган ким бо-ор!» деб юрса, бир баккол:

— Мен оламан, баҳосини айт, — дебди.

— Ўзинг бера кол, — дебди ўтинчи.

— Ма, беш минг тилла.

Латиф ўтинчи бундай кўп пулни умрида кўрмагани учун йўлда кетаётиб, «у бакколнинг эси йўкми, ё мени синаш учун бердими, изимдан пулини сўраб келиб колма-са бўлгани», дея хавотирланиб уйига етибди.

— Тухум беш минг танга бўлди, — дебди ховлиқиб хотинига.

— Ўзининг нархи. У тухум эмас, гавҳар эди, — дебди хотини бепарво.

Ўтинчи келаси куни қолган икки тухумни ҳам ўша нархда сотиб келибди.

Ҳар кунги одати бўйича ўтинчи йўлдаги сой бўйидан ўтаркан. Бошқа жойда ярокли ўтин қолмагани учун сувдан кечиб ўтин олаверибди. Шохида каттакон уяси бор

карағайни арралаб, буталаб турса, уя бузилиб кетиб, ичида бир гавхар ялт этиб кўринибди. Гавхарни тўрвасига солиб, ўтинни оркалаб сой бўйига келса, сув яна ҳам кўпайиб, сой тўлиб кетганмиш. «Гавхар тўрвадан сувга тушиб кетади», деган шубҳа билан уни оғзига солиб ариқдан ўтаман деганида, ўзи сувга шўнғиб ботиб, гавхар оғзидан тушиб окиб кетибди.

Ўтинчи сувдан зўрға чиқиб, уйга келиб хотинига оғзидаги гавхардан ажралиб колганини айтибди. Шунда хотини:

— Зиёни йўқ, югурганники эмас, буюрганники, дейишган-ку. Буюрмаган-да, — деб овутибди уни.

Бир куни Латиф яна бояги сой бўйига ўтин кесгани келса, сойнинг суви қайтиб, одамлар балик тутиб юришганини кўрибди. Баликчилардан учта балик сўраб олибди. Хотини баликларнинг қорнини ёриб турса, бир баликнинг ичидан бояги гавхар чиқибди.

Қушларнинг бирида хотини:

— Ҳой, хўжайин, бизлардан ҳам ном колсин, тўқайзорни очиб боғ қилайлик, сув келтирайлик, халқни йиғиб деҳқончилик қилайлик, бойлик ҳам, бахт ҳам ерда, — дебди.

Бу гап ўтинчига маъқул тушибди. Тўқайзорни очиб, деворлари олтин ва кумушдан, хатто ич-сиртини ҳам олтин сувидан югуртиб бир уй қурибди. Уйга қалин гилам тўшаб, томнинг ҳар бурчагига гавхар ўрнатиб, одам кирса чиқмайдиган даражада ажойиб жой қурибди. Кўрганларнинг ҳаммаси лол қолибди.

Хон бир куни халқидан айрилиб, шармандаси чиқиб, босқинчиликдан қайтиб келаётган экан, қараса, бир кунда

тикланган ажойиб қалъага кўзи тушибди. Анграйиб томоша қилиб турган экан, бир аёлни кўриб қолибди.

— Ичкарига киринг, чой ичиб кетинг, — дебди аёл.

— Бу кимнинг уйи? — сўрабди хон.

— Латиф ўтинчиниқи.

Хон овқатланиб, хоналарга тўшалган гиламларни, тўрт томондаги гавҳарларни, деворда осифлик турган аввалги хотинининг суратини кўрибди. Хайрон бўлиб:

— Мана бу ким? — деб сўрабди.

— Бу ўша — бахтсиз аёл. У орзу қилган бахтига етишди. Кўрдингизми, кимнинг бахти бор экан. Бахт — меҳнатда. Латиф иккаламиз кун-тун меҳнат қилиб шундай бахтга эришдик. Бошимизга нур энди. Халк обод бўлди. Хон бўлсанг ҳам бундай бахтга сенинг қўлинг етмаган. Эримни Латиф ўтинчи дейишарди, энди Латиф бой бўлди, — дебди келинчак.

Хон ўзини кўярга жой тополмай қолибди. Ғўлдираб чиқиб кетибди.

Сабр таги сар олтин, меҳнатнинг таги роҳат, деб бежиз айтишмаган-да, ахир халқимиз.

БАХТ ИЗЛАГАН ОДАМ

Қадим замонда омадсиз бир одам бахт кидириб юрса, олдидан бир одам чиқибди. Иккови суҳбатлашиб қолишибди.

— Оғайни, йўл бўлсин? — деб сўрабди бояги йўловчи.

— Ҳеч ишим юришмади. Бахт топаманми деб кидириб боряпман, — дебди иккинчиси. Иккаласи йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири биринчи йўловчининг

йўлга олиб келган егулиги тугабди. Енидаги йўлдошидан сўраса, бермапти — итнинг ялоғини ялаган хасис одам экан. Йўловчи очликдан кийналибди. Юришга ҳам мадори бўлмабди. Овқатимга шерик бўлади, деб хасис ҳамроҳи уни ташлаб кетиб қолибди. Очликдан ўлар ҳолига келгач, олдидан чиққан хашакларни молдай ейишга тушибди. Қуёш ботиб қош қорайганда бир кимсасиз, эски уйга кириб таппа ўзини ташлабди.

Эски уйга ярим кечаси ёввойи йиртқичлар: йўлбарс, кашкир, тулки учови етиб келишибди ва ўзаро суҳбат қуришибди. Йўловчи тинглаб ўтириб, бу хайвонларнинг суҳбатига тушуна бошлабди — бояги йўлда еган ўтлари хайвонларнинг тилини тушунишга ёрдам берадиган ўт экан.

Йўлбарс:

— Мен бахтсизман. Бахтсиз одамни есам, ниятимга етаман. Мен тугул шу элнинг хони ҳам бебахт. Агар у бир бахтсиз билан қовушса, ўзининг бахти очилади, — дебди.

Кашкир:

— Мана бу тепанинг нариги томонида бир уюр йилки билан бир отар эгасиз қўйларни кўрдим. Оғзимдан сўлагим томиб кетди. Эртага бориб еймиз, — дебди.

Тулки думини биланглатиб, ерга уриб:

— Сизлар шундай дейсизлар! Мен кўз кўриб кулок эшитмаган бир кизик воқеани томоша қилиб ётдим. Манави тепанинг орқасида гавҳарларни думалатиб ўйнаб юрган кўп сичқонларни кўрдим, — дебди.

Тонг ота бошлагач, учови эски уйдан чиқиб кетибди.

Омадсиз киши саҳар туриб, бояги тулки айтган тепага борса, худди у айтгандай сичқонлар гавҳарларни бир-би-

рига улоктириб ўйнашаётган экан. Киши сичконларни кувиб юбориб ҳамма гавхарларни тўплаб олибди. Яна бир тепаликдан ошса, йилкилар ва кўй отари юрган экан. Йилкилар ва кўйларни сотайин деб калъага олиб борса, ўша хасис уни кўриб қолиб:

— Ҳа, оғайни, бу молларни каёқдан олдинг? — деб сўрабди.

— Сен ташлаб кетгач, йўл бўйидаги эски бинога кириб ётдим. Бу ерга тунда йирткич хайвонлар келиб, қаерда мол борлигини, қайсисининг эгаси бору қайсисиники йўқлигини айтишди. Ўшаларнинг ундови билан бориб, шунча молга эга бўлдим, — дебди.

Хасис ҳам шундай қилмоқчи бўлибди. «Мен ҳам кўп молли бўлиб қолайин» деб, эски уйга кириб яшириниб ўтирса, бир пайт йўлбарс, кашкир, тулки — учаласи кириб келишибди.

Йўлбарс:

— Бу уйда бир кишининг изи бор. У бахтсиз одам, мен ўшани есам ниятимга эришаман, — дебди-да, хасисни топиб еб қўйибди.

Омадсиз одам хоннинг хузурига кириб:

— Мен бахт қидириб юрган бир одам эдим. Йўлда менга йўлбарс дуч келиб: «Шу элнинг хони ҳам бахтсиз, у бахтсиз одам билан қовушса, бахтли бўлади», деган эди, сиз эса хонсиз, хон нечук бебахт бўлиши мумкин? — деб сўрабди. — Мен шуни сўрамоқчи эдим, таксир?

Хон бу саволга жавоб бермасдан:

— Бу одамни ювинтириб, яхшилаб кийинтириб, хузуримга олиб келинг, — деб вазирларига буюрибди.

Омадсиз одам ювиниб, кийиниб қайтиб келса, эркак

хоннинг ўрнида ой деса оғзи, кун деса кўзи бор, бу икклим-да йўқ бир сулув қиз ўтирганмиш. У анг-танг бўлиб қолибди.

— Йўлбарс тўғри айтибди. Мен эркак кийимини кийган қизман. Шу вақтгача менинг қиз эканлигимни ҳеч ким билмаган. Мен бахтга етишим учун ҳали улғайишим керак. Йигит дегани турмушнинг гули, мен шуни армон қилар эдим. Дунёнинг кўрки ҳам, одамнинг бахти ҳам йигит, — дебди қиз. У мулла чакириб, никоҳ ўқитиб, бахтсиз йигит билан қўшилиб, мурод-максадига етибди.

Номард — ош устида, мард — иш устида билинади, деганлари шу-да.

ТИЙИН БИЛАН ТЎТИ

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан. Қадим замонда бир гадойнинг бир ўғли, бир қизи бўлган экан. Ўғлининг исми Тийин, қизининг исми Тўти экан. Орадан йиллар ўтиб, отаси ҳам, онаси ҳам ўлиб, фарзанд бечоралар етим қолишибди. Уларнинг бошини силайдиган биронта мушфиқ топилмабди. Шунда болакай синглисига:

— Бу ердан бош олиб кетайлик, одамлар яхши яшайдиган ерга борайлик, — дебди. Унга синглиси:

— Жуда маъқул, ака, бу ерда озиб-тўзиб юрганимиздан кўра тирикчилигимизнинг ғамини еганимиз яхши, — дебди.

Ака синглисини эргаштириб бошқа элларга омад излаб кетибди. Бир неча кун йўл юриб катта хонликка етиб келишибди. Бола шу ерда хоннинг сайислари хизматига қирибди. Сайисхонадаги отларнинг тагини тозалаб, емиш

бериб, суғориб, ўзига юклатилган юмушларни кам-кўст-сиз бажарибди. Тийин ҳар куни хоннинг ховлисини улар уйғонмасидан бурун супуриб кетадиган одат чиқарибди. Бир куни хон болани кўриб қолиб:

— Сен озода бола экансан. Менга чой қайнатиб дам-лаб бериб турадиган хизматкорим бўлгин, — дебди. Бола кўнибди. Хонга боланинг хизмати маъқул тушибди. Унинг ақллилиги, топқирлиги, одоблилиги хонга жуда ёкиб. Ўзига вазир қилиб олибди.

Бир куни хон ўзига ҳеч қаерда бўлмаган уй қурдир-моқчи бўлибди. Ҳамма амалдорларни тўплаб, улар билан уйни нимадан қуриш, томини нима билан ёпиш, қандай бўёқлар билан бўяш ҳақида фикрлашибди. Шунда йиғил-ганлардан бири:

— Том қумушдан, керагаси олтиндан, уйнинг тўрт то-монига тўрт гавҳар шамчирок ўрнатилсин, — деб масла-хат солибди. Бу хонга маъқул келибди.

Хон маслаҳатчиларининг айтганини қилиб, уй қуриш учун мамлакатдаги барча мохир усталарни тўплаб-ди.

Тийин одати бўйича ҳар куни эрталаб хонга саломга кирар экан. Унинг йўлида катта мирзатерак бор экан. Шу теракка ҳар куни бир қора қуш кўнаркан. Тийин терак тагидан ўтаётганида қуш товуш бериб:

— Хой, Тийин! Мени яхши кўрасанми? Менга синг-лингни берасанми? — деб чийиллабди. У ҳар куни шу сўз-ни икки марта айтаркан. Анчагача Тийин бу сўзни синг-лисига айтмабди. Энг охири:

— Тўти! Мен мирзатеракнинг ёнидан ўтганимда бир

қора қуш «Мени яхши кўрасанми, синглингни менга берасанми», деб қичкиради. Мен унга ҳеч нарса демасдим. Энди сўраб қолса нима деб жавоб берай? — деб сўрабди. Унга синглиси:

— Мен бундай ўтиравериб уйингга шамчирок бўламанми? Бўй етган бўлсам. Балоғатга етган қизнинг уйда ўтириши қийин бўлади. У оддий қуш бўлмаса керак. Қуш бўлса ҳам майли, мени унга беравер, сенга ҳам бирон фойдаси тегиб қолар, — дебди.

Қизнинг бу жавоби акасига маъқул тушибди. Акаси шунда синглисига:

— Қароғим, қалин пулига нима сўрасам экан? — деб маслаҳат солибди. Синглиси:

— Қалин пулини сўрамай кўя қол, керак бўлганида сўрарсан, — дебди.

Тонг отибди. Тийин эрта туриб хонга салом бергани бораётганда мирзатерак шоҳида ўтирган қуш:

— Қароғим, Тийин! Бояги гап нима бўлди? — дебди. Унга бола:

— Синглим билан маслаҳатлашганим, у розилик берди, — дебди. Шунда қорақуш:

— Унда синглингни менга бер! — дебди. Бола кўп ўйлаб ўтирмай синглисини қора қушга хотинликка берибди.

— Қалин молига нима оласан? — деб сўрабди қора қуш.

— Ҳеч нарса керак эмас, — дебди Тийин.

Қора қуш Тўтини орқасига миндиранкан:

— Мана бу патни шу теракнинг тагига келиб тутатсанг, ўша захоти ёнингда пайдо бўламан, — деб бир пат-

ни унга бериб, учиб кетибди. Тийин анг-танг бўлиб кола-верибди.

Келиб хонга салом берибди.

Шу пайтда хон уйининг эшигини олтидан, нақшларини кумушдан қилиб, эшикларининг тўрт томонига гавҳар ўрнатган, энди фақат шамчирок масаласини ҳал қилишни ўйлаб ўтирган экан. Шамчирокни нимадан яшани мас-лаҳатлашгани у амалдорларини, вазирларини чакирибди. Мулозимлар шамчирокни дандондан ишлаш лозимлигини маъкул кўришибди.

Тийиннинг халқ олдида, хон олдида вазирлардан, амалдорлардан кўра обрўли, ақли, вазмин, топқир бўлиб кетганини кўролмаган вазирлар қандай бўлмасин, йигит-ни йўқ қилишни ўйлай бошлашибди. Хон уларга:

— Дандонни ким қидириб топади? — дебди.

Вазирлар:

— Уни Тийин топади, — деб жавоб беришибди.

Тийинга дандонни топиб олиб келиш учун қирқ кун муҳлат беришибди. У хафа бўлиб уйга қайтибди. Қайта-ётиб терак ёнига келганда қора қуш бериб кетган пат ёдига тушиб, уни тутатибди. Қора қуш келиб:

— Оға, бошингга қандай мушкул иш тушди? — деб сўрабди.

— Вазирларининг сўзига кирган хон қурдираётган уйининг шамчироғи учун қирқ кун ичида дандон топиб келишни буюрди, — дебди Тийин.

— Бундан хафа бўлма. Ўзим топиб бераман. Уйга юр, синглингни кўриб, дандонни олиб кайтасан, — дебди. Кўз очиб юмгунча вақт ўтар-ўтмас синглиси ҳузурига етиб ке-

либ у билан дийдор кўришибди. Утган-кетганни эслашиб, бир кун меҳмон бўлибди. Эртасига қора қуш:

— Тийин оға, устимга мин. Бундан олисроқ ерда бир ялмоғиз кампир бор. Унинг иккита тиши бор. Қерак бўлмаган пайтда оғзидан олиб қўйиб, қерак бўлганда яна солиб қўяди. Мен сени устимга миндириб бориб эшикдан қираман-да, дарчадан учиб чиқаман. Сен ўша тишни чаққонлик билан илиб оласан, — дебди.

Худди айтганидай бўлибди. Тийин кампирнинг уйига бориб тоқчага суяб қўйилган тишни билдирмай олиб чиқибди. Қуш бояги мирзатеракка қараб учибди. Кампир тишидан ажралганини англаб, аламига чидаёлмай ўзини тоғдан ташлаб юборибди. Тийинни қора қуш терак ёнига олиб келиб, хайрлашиб қайтиб кетибди.

Тийин икки дандон тишни хонга элтиб берибди. Усталар икки тишдан шамшод ясашибди. Уй тўлик битибди. Хон амалдорларини, вазирларини чақириб олиб, маслаҳатлашиб:

— Энди уйга нима соламиз? Гиламми, кигизми? — деб сўрабди. Йиғилганлар гилам билан кигизни хоннинг уйига муносиб кўришмабди. Хон булардан бошқа нима мос келишини вазирларидан сўраганда, улар:

— Бир олис мамлакатда бир томони зарбоф, бир томони кумуш жунли ўнта қўй бор. Шуни топдириб келиб, жунидан кигиз бостириб солсангиз — энг маъқули шу, — дейишибди.

— Буни ким топади? — деб сўрабди хон.

Вазирлари:

— Бу фақат Тийиннинг қўлидан келади. Топиш учун

эса унга кирк кун мухлат беринг. Агар топиб келмаса бошини олиш керак, — дейишибди.

Хон Тийинни чакириб, қаҳр билан, агар топиб келмасанг омон қўймайман, дебди. Мушкул аҳволда қолган бола топиб келаман, деб бўйнига олибди. Мирзатерак ёнига келибди. Патни тутатибди. Шу заҳоти қора қуш пайдо бўлибди.

— Тийин оға, яна нима бўлди? — деб сўрабди у.

— Хон менга зулм қиляпти. Бир томони зарбоф, бир томони кумуш жунли ўнта қўй топасан, деди. Қўйларни қаёқдан топишимни билмай, сен билан маслаҳатлашгани келдим, — дебди Тийин.

— Шугинами? Сен ҳеч хафа бўлма. Етти кундан кейин шу терак тагида қўйларни санаб оласан, — деб қуш учиб кетибди. Ваъдалашилган куни қўйларни олиб келиб Тийинга топширибди.

Тийин эса қўйларни ҳайдаб келиб хонга топширибди. Хон қўйларнинг жунидан кигиз бостириб, уйига тўшабди. Кейин хон вазирлари билан уйни томоша қилиб туриб:

— Яна қандай камчилиги бор? — деб сўрабди.

— Энди биргина камчилиги бор: битта сулув қиз етишмаяпти. Ундай қиз бу юртда йўқ. Парилар подшосининг сулув қизи бор. Бундай мухташам уйга ўшагина муносиб, — дейишибди вазирлари.

— Уни ким топиб келади? — дебди шунда хон.

— Уни Тийин топиб келиши мумкин.

Хон дарров Тийинни чакириб, ўша қизни қандай бўлмасин топиб келишни буюрибди. У хондан қўрққани учун қуллуқ қилиб чиқиб кетибди. Мирзатерак ёнига келса, қора қуш ундан олдинроқ келиб йиғлаб турган экан. Ти-

йин у билан саломлашиб, йиғисининг сабабини сўраганда, куш:

— Бошимга мушкул иш солиб қўйдинг. Эхтимол, менинг ажалим шундадир, — деб бироз хафа бўлибди, сўнг Тийинни устига миндириб учиб кетибди. Узоқ учишгач, куш:

— Тийин оға! Олдингда улкан тоғ бор. Тоғ ёнбағрида ғор бор. Ғор ичида етти кунда бир овқатланадиган чол бор. Унга боргин-да: «Мен шўри қуриган одамман», деб йиғлайвер. «Қандай дардинг бор?» деб сўрайди у. Шунда хондан кўрган жабрингни айт. Бирок сени бу ерга мен олиб келганимни зинҳор айта кўрма! — дебди ва ўзи ўша ерда қолибди. Тийин чол ҳузурига жўнабди. Тийин чолни кўриб қўл олиб саломлашибди. Дардини айтиб йиғлайверибди. Кексанинг саволларига бошидан ўтган воқеаларни бир бошдан айтиб берибди. Унга чол:

— Мени сенга оғзингдан қора қонинг келгур қора куш айтган. Қари одамга жабр бўлди-ку бу! Парилар подшосининг қизлари бугун чўмилгани чиқишади. Ўша парилар подшосининг қизини сенга турли хунар, ҳийла билан олиб келиб берайин. Йўлга чиқиб кутиб туравер,— дебди. Бир силкиниб йўрға отга айланиб, енгил йўрғалаб, чўмилаётган қизларнинг ёнига яқинлашиб, уёқдан-буёққа ўтибди. Уни кўриб, ҳамма чўмилаётган қизлар бир бўлиб ушлаб олиб, бир мартадан минишибди. Энг охирида парилар подшосининг қизи минибди. Чол қизни Тийинга келтириб бериб, ўзи одам ҳолатига қайтибди.

— Кимки зулм қилса, жабрланувчи яхшилик томонда бўлади. Манманликнинг заволи бор, камтарликнинг камоли бор. Болам, камол топарсан. Хоннинг ўрнига хон

бўлиб, олиб борган қизингни ўзинг оларсан. Бу кизни ўзингга бахш этдим. Хон — тўнғиз, сенга ёмонлик қилган вазирлари — ит бўлиб, хоннинг сонидан олиб, қувалашиб юрганининг устига борарсан. Бориб синглингни ҳам олиб кетарсан, — дебди чол.

Тийин кизни эргаштириб йўлга тушибди. Бояги чол: «Оғзингдан қора конинг келгур» деган заҳоти қора қуш ўлган экан. Бола уни кўмиб, сингисини олиб элига қайтибди. Яқинлаб қолганда катта шовқин эшитилибди. Кексанинг айганидай, хон тўнғиз, вазирлари — ит бўлиб, хоннинг этагидан тишлаб, лорсиллашиб юрганининг устидан чиқибди. Шу маҳал бир кекса кўпнинг орасидан суғурилиб чиқиб:

— Қани, болаларим. Давлат қушини учиринг. Кимнинг бошига қўнса, ўша одам шоҳимиз бўлсин, — дебди.

Бахт қуши учиб келиб Тийиннинг бошига қўнибди.

— Дайдиб юрган одам бошига давлат қуши нечук қўнди? — дейишиб оломон катта жанжал кўтаришибди. Қуш уч маротаба учирилса ҳам Тийиннинг бошига қўнаверибди. Кўпчилик:

— Хонлик гадойга муносиб бўлган экан-да! — дейишиб Тийинни хон қилиб кўтаришибди. Қанча азобуқубатлар чеккан етим бола золим хоннинг ўрнига тахтга ўтириб, мурод-мақсадига етибди.

ҲАҚҚАБОЙ

Қадим замонда бир чол билан кампир яшаган экан. Чол ёлғиз сигирини арқонлаб бокиб, қайтишида ўтин ор-

калаб қайтар экан. У бир куни чарчаб келиб ўтирса, кам-пири:

— Чоли тушмагур, сенга айта-айта чакагим оғриди. Томга ёйган қурутимни ҳаққа еб қўяпти-ку! Шу ҳаккани бир ёклик қилмадинг-ку, — дебди.

Чол тузук қўйиб, ҳаккани тутиб олиб, халкумига пи-чок тақаган экан, куш бечора:

— Ҳой, чол, мени ўлдирма. Мен Ҳаккабой деган мол-мулки жаҳонга сиғмаган бойман. Нима тиласанг, барини топиб бераман, оғир кунларингда ёрдамчинг бўламан, мени ўлдирма! — деб ялинибди. Чол унинг ваъдасига эриб қўйиб юборибди. Ҳакка қурутга бошка тегмабди.

Кунларнинг бирида чол зикналиги тутиб, Ҳаккабойни излаб кетибди. Кетиб бораётса, олдидан бир уюр йилқи чикибди. Йилқибоқардан:

— Бу кимнинг йилқилари? — деб сўрабди.

— Ҳаккабойники, — деб жавоб берибди йилқибоқар.

Чол ундан ҳам нарироқ борса, жуда кўп сигирлар, отар-отар қўйлар билан туяларга дуч келибди.

— Булар кимники? — деб сўрабди.

— Ҳаккабойники, — деб жавоб беришибди молбо-қарлар, қўйчибонлар.

Энг охирида чўпонларга йўликибди. Чўпонлар чолдан каёққа кетаётганини сўрашибди.

— Ҳаккабойникига боряпман, — дебди чол.

— Сиз Ҳаккабойнинг уйига боролмайсиз, унинг икки-та копағон ити бор. Сизни еб қўяди. Бугун биз билан ко-линг, бойнинг қўйдан бирини сўйиб пишириб берайлик. Ўша қўйнинг гўштидан кесиб олиб итларга оз-оздан таш-лаб борсангиз қопмайди, — деб маслаҳат беришибди чў-

понлар. Сўнг: — Унда нима ишингиз бор? — деб сўрашибди.

— Соғиб ичишга сигир сўрамокчи эдим, — дебди чол.

Чўпонлар:

— Сўрайдиган одамингизни билмай боряпсиз шекилли. Худодан туя сўра, кўркканидан бия беради, деган экан. Сиз, яхшиси, Хаккабойнинг пардастурхонини сўраб олинг. Сигирнинг нима кераги бор: қариган чоғингизда бошингизга бало бўлади. Пардастурхонда дунёдаги мазали таомнинг ҳаммаси бўлади. Қампирингиз икковингиз еб ётаверинг, — дейишибди. Сўнг яна шубҳаланиб: — У хасис бой, бермаса кераг-ов! — дейишибди.

Йўлда чолнинг олдига итлар югуриб чиқибди. Чол чўпонлар берган маслаҳатга амал қилиб: гўштдан парча-парча узиб ташлаб, итларни чалғитибди. Шундай қилиб бойнинг уйига кириб борибди. Кириб, соқоли кўксига тушган одамни кўрибди. Салом бериб кўлидан олибди.

— Сени танимадим, кимсан? — деб сўрабди бой.

— Сени ўлимдан кутқарган бобонгман, — дебди чол.

— Майли, нима хизмат бор эди?

— Пардастурхонингни сўраб келдим, — дебди чол.

— Сигир бера қолай?

— Олмайман.

— Бўлмаса туя берай.

— Туянгни ҳам кўявер. Берсанг пардастурхонингни берасан, бошқа мол-дунёнинг керак эмас, — дебди чол.

Бой чолнинг раъйини қайтаргиси келмабди: пардастурхонни берибди. Пардастурхонни олиб келаётиб чўпонларга йўлиқибди.

— Отахон, пардастурхонни олдингизми? — деб хол сўрашибди улар.

— Олдим.

— Дастурхонингизга айтинг, бир лаган палов берсин, — дебди чўпонлар.

Чол дастурхонга:

— Палов бер! — деб буюрибди. Шу захоти «пардастурхон»да гурунчидан гўшти кўпроқ палов пайдо бўлибди. Чол чўпонлар билан тўйиб палов ебди. У қайтиб келаётганда чўпонлар билдирмасдан, пардастурхонни олиб қолиб, ўрнига бошқа дастурхон бериб юборишибди.

Чол келиб кампирига:

— Мен Ҳаккабойнинг пардастурхонини олиб келдим. У дунёдаги мазали таомнинг барчасини беради. Худо бераман деса бераркан-да, бир яшайдиган бўлдик-да, кампир, — деб қувониб мақтанибди. — Ҳозир масалан, юмшоқкина палов берсинми, сенинг тишинг йўқ-ку?

— Майли, берсин.

— Палов бер, — дебди чол дастурхонга. Лекин дастурхон қилт этмай тураверибди. — Ие, палов бер! — деб бақирибдиямки, дастурхон қилт этмай тураверибди. Чол кампирининг олдида изза бўлибди. У шунда пардастурхонни чўпонлар ўғирлаб олиб қолганини сезибди.

Чол Ҳаккабойникига бориб, ур тўқмоғи билан сур тўқмоғини бериб туришини сўрабди. Бой рози бўлгач, тўқмоқларни олиб чўпонларнинг қошига келибди.

— Отахон, каёқдан келяпсиз? — деб сўрабди чўпонлар.

— Ҳаккабойникидан. Иккита тўқмоқ олиб қайтыпман.

— Тўқмоғингизни ўйнатиб беринг, — илтимос қилишибди чўпонлар.

— Ур тўқмоғим, сур тўқмоғим, — деб бақирибди чол.

Шунда тўқмоқлар ўйнаб келиб чўпонларнинг бошларига ураверибди, ураверибди.

— Отахон, пардастурхонингизни берайлик. Тўқмо-
фингизни тўхтатинг, илтимос, — деб ялинибди чўпонлар.

Чол пардастурхонни олиб уйига қайтиб келиб кампи-
рини қувонтирибди.

Қунлардан бирида бир чолнинг пардастурхони бор
эмиш, унда дунёда топилмайдиган мазали овқатларнинг
барчаси муҳайё эмиш, деган гаплар хоннинг қулоғига етиб
борибди. Бу дастурхон фақат хонга муносиб, дейишибди
бу гапни етказганлар. Хон ясовул юбориб, чолдан пар-
дастурхонни бериб юборишни талаб қилибди. Чол бермаб-
ди. Лекин бу ишидан ўзи қўрқиб, Ҳаккабойдан маслаҳат
олгани шошилибди. Кетаётиб тағин ҳалиги чўпонларга уч-
рабди. Чол яна чўпонларга арзини айтиб, бойни қидириб
бораётганини айтибди.

Чўпонлар:

— Бойнинг қовоғини сўраб ол. Қовокни олсанг, кан-
дай хонлик сенга қарши чикса ҳам қўлинг баланд келади,
ўша қовок ёвни яксон қилади, — дебди.

Чол Ҳаккабойнинг қовоғини сўраб олиб келиб уйда
ўтирган экан, яна хоннинг ясовуллари кириб келибди.

— Пардастурхонни бер. Агар бермасанг, ҳозир сени
хон ҳузурига судраб кетамиз, — дейишибди.

— Хонингга бориб айт, пардастурхонни у агар мени
урушда енгса олади, уруш майдонига чиксин! — дебди
чол.

Хон лашкар тортиб майдонга чиқибди. Чол қовок би-
лан тўқмоқларга ёвга қарши отланишга буйруқ берган
заҳоти, қовок ичидан саноксиз яроқ тутган аскарлар чи-

киб, ёвни бир бошдан кириб кетибди. Ур тўқмоқ билан сур тўқмоқ хон аскарларининг бошларига, манглайларига ураверибди, ураверибди. Хон урушда енгилиб, кочиб кетибди.

Шундай қилиб чол мурод-мақсадига етибди.

ОМОНКЕЛДИ

Қорақалпоқлар Сирдарё бўйида яшаган вақтларда Қўқон хонлигига қарам бўлган экан. Қорақалпоқнинг эл бошқарувчиси, куч бошқарувчиси Ҳасан деган бий бўлган экан. Қўқон хонлиги қорақалпоқларга экинга яроқли ер, сув, мол ўтлагудек яйлов бермабди. Бунинг устига солиқни кўп солибди. Халқ қайга борарини билмай сарсон бўлибди.

Қўқон хони қорақалпоқ қизлари сулув бўлади деб эшитиб, кўп хотинининг устига Ҳасан бийга қиз сўратиб совчи юборибди. Ҳасан бий қизини кўшхотин устига бергиси келмай: «Ёз бўлса қиш берамиз, қиш бўлса ёз берамиз, ёз бўлса куз берамиз», деб баҳона қилибди.

Қўқон хони Ҳасан бийнинг бу ишидан қаҳри келиб, ҳар куни бир қиз беришни талаб қилибди. Хоннинг бу талаби ҳам қондирилмабди. Шундан кейин хон Ҳасанни саройга алдаб чакириб ўлдирибди.

Қорақалпоқлар халқнинг номусини ҳимоя қила оладиган, уни етаклай оладиган раҳбарни орзу қилибди. Ҳасан бий ўлгандан кейин қорақалпоқ Жайхун дарёси бўйига кўчиб кетишибди.

Улар янги дарё бўйига жойлашиб яшай бошлаган-

ларидан буён бир неча йил ўтибди. Эл ишончини қозона оладиган Омонкелди ботир деган баҳодир улғайибди.

Омонкелди ақлли, элнинг бирлашиб, тинч яшашини истайдиган, ишда тадбирли, душман олдида бошига қилич келса ҳам сирини очмайдиган эрларнинг бири экан. У Қўқон хонидан Ҳасан бийнинг ўчини олишга, халкнинг ҳурматини қозонишга бел боғлабди. Қўқон хонлигига қарши қуролли қўзғолон кўтаришга, аскар тўплашга, қурол-яроқлар топишга халкнинг пули етмас, чоғи ҳам келмас экан. Энди нима қилиш керак, деган хаёл Омонкелдини кўп ўйлантирибди.

Бир куни Омонкелди яхшилаб кийинибди-да, белига камарини боғлаб, устараларини қайраб, худди сартарошдай бўлиб Қўқон шаҳрига бориб, сочтарошлик қила бошлабди.

Кунлар кетидан кунлар ўтибди. У ким келса сочини олиб жўнатаверибди. Берганидан пул олибди, бермаса бер демабди. Сартарошхона овозаси ҳамма ёққа тарқабди. Миш-мишлар қўқон хонигача етибди.

Бир куни хон: «Қўқонда энг яхши сартарош бор, шундай ёқимтой, тез ишлайдики, сочингни олиб бўлганини ҳам сезмай қоласан, бундай хунарманд Қўқон тарихида бўлмаган», деган хабарни эшитиб, ўша сартарошнинг ўзини чакиртирибди.

— Болам, соч оласанми? — дебди хон.

— Соч оламан, ота, керак бўлса олиб қўяй? — дебди у.

Омонкелди хоннинг сочини яхшилаб ивитибди, кейин устарасида кирибди, мўйловини ҳам текислабди. Соқолини олаётиб иягини қўли билан кўтариб туриб кекирдагига

устарани тортиб юборибди. Хоннинг калласи ўзилиб тушибди. Уни билдирмай рўмолга ўрабди-да, чикиб кетибди. Хон амалдорлари келиб унинг ўлиб ётганини кўришибди.

Омонкелдининг шундай хийла билан Қўқон хонини ўлдирганини қорақалпоқлар билиб, унинг ҳақиқий халқ фарзанди эканини ифодалайдиган қўшиқлар тўкишибди. Бу қўшиқлар тиллардан тилларга ўтиб куйланибди.

АҚЛИ ЧЎПОН

Бухоро хони бир куни Амударёнинг нариги қирғоғида яшаётган қорақалпоқларга:

— Бундан кейин итингни хуритмайсан, отингни кишнатмайсан! Итингнинг вовуллашидан, айғирингнинг кишнашидан хонликдаги молларимизнинг бариси бола ташлаб қўяпти. Қимнинг ити хуриса, оти кишнаса, ўзи ўлимга маҳкум, моли — хонликники бўлади! — дея дўқ қилибди.

Дарёнинг нариги соҳилида тинчгина яшаётган қорақалпоқларга бу жуда катта тухмат бўлиб эшитилибди. Анча вақтгача итлари ҳуриб, моллари маъраса кўрқиб юришибди.

Қорақалпоқ бийлари тўпланиб, «энди нима қилдик» дея кенгаша бошлабдилар.

Айни туш чоғи экан. Сосик деган чўпон ҳамма қўиларини кишлоққа хайдаб келиб, ўзи тушлик қилмоқчи бўлибди. Шу пайт у қора ўтовда бўлаётган ғовур-ғувурни эшитиб, яқинроқ келиб тинглабди.

Бир бий:

— Бундай кун кўра олмаймиз. Бухоро хонига қарши урушамиз, — дебди.

Яна бир бий унга қарши чиқибди:

— Йўқ, бий оға, ўйлаб гапиряписизми? Шундай катта халққа қарши чиқамиз деб ўзимиз ем бўлиб кетамиз-ку?

Хуллас, улар тайинли бир қарорга кела олмай тортишаверибдилар. Ўтов орқасида турган чўпон ичкарига кириб:

— Бий оғалар! Кўп тортишиб бир тўхтамага кела олмадинглар, мен бир фикр айтсам майлими? — деб сўрабди.

— Сен нимани билардинг, жим ўтир! — деб жеркибди бирови.

— Айтсин, айта қолсин, — дебди яна биттаси.

— Ақл ёшдан, ҳосил тошдан чиқади, гапир, бола, — дебди бир бий.

— Оғалар, — дея сўз бошлабди чўпон йигит, — оз сонли қорақалпоқ халқининг Бухоро хонлигига қарши чиқа олмаслиги тўғри. Лекин хон халқимизни хўрлашига ким индамай қараб туради? Тирик бўлсам бир тепа, ўлик бўлсам бир чуқур — ўлса бир чўпон бола ўлар, мени юбраверинглар. Ўзим бориб, хонга жавоб қиламан!

Бу фикр бийларга маъқул тушибди.

— Хўп, биз рози, болақай. Сенга нима ёрдам керак? — деб сўрашибди бийлар.

— Синиқ қилич, каттакон туя, соқолли бир така, бориб келишга йўл харажати, битта ҳамроҳ берасизлар, — дебди бола.

Чўпонга Бухорога бориб қайтгулик харажат пуллари ва бошқа сўраганларини беришибди. Чўпон Бухоро

калъасига келиб, калъадаги кўринган итларни қилич билан чопаверибди. Итлар орасида хоннинг ити ҳам бор экан. Жаллодлар чўпонни тутиб олиб хон хузурига олиб боришибди. Хон:

— Қани, тирранча, итимизни нега чопдинг?— деб сўрабди жаҳл билан.

— Таксир, биз Амударёнинг нариги қирғоғида яшовчи қорақалпоқ деган бечора бир халқмиз. Бухоронинг хурган итлари шовқинига молларимизнинг ҳаммаси бола ташлаб кўйибди. Шу сабабдан чопдим итингизни, — дебди чўпон.

— Бухорода хурган итнинг товуши ўша қорақалпоққа етарканми? — дебди хон.

— Тўғри айтасиз, хоним, — дебди чўпон қувлик билан. — Лекин қорақалпоқ итининг овози Бухорога етиб келадими?

— Каттангни чақир буёққа! — бақирибди хон.

Чўпон туяни етаклаб келибди-да:

— Шундан кўра каттароғимиз йўқ, — дебди.

— Ҳалиги, серсоқол каттангни айтяпман, тентак, — тутақибди яна хон.

Бола эшикдан такани етаклаб кирибди-да, жилмайиб:

— Энг серсоқолимиз шу, — дебди.

Хон мот бўлганидан лом-мим деёлмай қолибди. Кейин вазирини чақириб:

— Бу болани меҳмонхонага олиб бориб, яхшилаб меҳмон қилинглар, — дебди. Болани меҳмон қилишибди. Эртаси куни хон уни яна чақиртирибди:

— Исминг нима сенинг?

— Исмин Сосик.

— Жуда ақлли экансан. Бирок исминг ўзингга монанд эмас экан. Бугундан бошлаб қорақалпоқнинг бийи ўзингсан, — дебди хон.

Бола унвонни олиб юртига қайтибди. Бир неча йил қорақалпоқларнинг бийи бўлибди. Чимбой яқинидаги ҳозирги Сосиқ қишлоғи ўша бийнинг номига қўйилган экан.

УТАШ БОТИР

Қадимда туркман бойлари Қўнғирот қорақалпоқларини узлуксиз талаб келган экан. Банди қилиб олган кизларни, ерларни бошка подшоликларга сотишган экан.

Туркман бойларининг бу хўрликларига чидаёлмаган халқ орасидан Эсонкелди, Омонкелди, Ўташ ботирга ўхшаган баҳодирлар етишиб чиқиб, теварак-атрофдаги ботир йигитларни тўплаб, Қўнғирот халқини кўп йиллар туркман золимларидан сақлаб келган экан. Уларнинг мардона ишларини халқ ҳамон тилдан қўймай мадҳ этади.

Ўташ ботир ҳозирги Ленинобод районидаги Янги қалъа деган жойда яшаган экан. Бу ер туркман бойларининг Қўнғиротга ўтадиган йўлида бўлиб, шу йўлдан Қўнғиротга отланган йўловчиларни тўсиб, отиб талайверишган экан. Ўташ ботир Қалли кўлда яшаган вақтида эса битта ҳам душман Қўнғиротга ўтолмаган экан.

Қунлардан бирида босмачиларнинг отлик тўдаси Қўнғирот, Қали кўлни босиб олмоқчи бўлиб келаётганини эшитиб, Ўташ ботир Қиёт зовурида ўз йигитлари билан душманни кутиб турибди. Босмачилар зовурдан ўтавер-

ганда отиб, кўпчилигини қийратиб ташлабди. Кўп ўк-яроқдан иборат ўлжани қўлга олибди, босмачиларнинг бу уриниши беҳуда бўлиб, қайтиб кетишган экан.

Ўташ эса эрюрак, кўркмас йигит экан. Эли учун туғилган, эли учун жон берадиганларнинг бири экан. Туркман бойлари унинг бу феълени билишар экан. Ўташ тирик экан, бу элни талай олишмас экан. Туркман саркардаси Сарихон босмачи Ўташнинг акасига одам жўнатиб, чакиртириб келибди. Унга от, тўн, сарпо тортик қилиб, яхшилаб сийлабди. «Ўташни ўлдирсанг, бир умрга етгулик мол-дунё бериб тураман», деб алдаб, уни тузоққа туширибди. Сарихон унга маслаҳат берибди:

— Сен Ўташни яккама-якка чиқиб ўлдиrolмайсан. У жуда айёр. Биз яқинда юриш бошлаймиз. Ўташ отишма билан овора бўлиб юрганда ортидан отасан.

Соткин ака «маъкул» деб қайтиб кетибди.

Ўташнинг милтиғи душманга қарши тайёр, ўқлоғлик экан. У жуда зийрак ва эпчил ботир бўлган экан. Ўташ душманга қарши отланганда иккита телпак олиб кетибди. Ёв билан отишганда канал бўйига чўғирмани қўйиб:

— Мерган бўлсанг, от! — деб телпакни қозикқа илиб, ўзи яшириниб туриб, милтиқларнинг қайси томондан отилганини билиб, ўша одамни отиб ташлайверибди. Душман қайси телпак Ўташники эканини билиб ололмай, гаранг бўлиб қолибди. Шундай қилиб Ўташ ботир ёвни кириб, ўзи қутулиб кетибди.

Кунлардан бир кун Сарихон Қалликўлга хужум қилиш учун аскар тўплабди. Ўташ аввалги одати бўйича оз сонли навкарлар билан майдонга чиқибди. Ботир — анков, эр — гўдак, деганлари ҳақ экан: ботир бу уруш-

нинг сабабини билолмабди. Ёв билан отишиб юрганда елкасидан ўқ тегибди. Ўташ ўқ теккан ярасини қўли билан босиб, инграниб онаси қошига келибди ва:

— Мушфиқим, онажоним, алвидо! — дея жон таслим қилибди.

— Халкнинг юкини нор кўтаради, халққа керакли эр эдинг. Қароғим-эй, сендан ўзга эрлар бир ботмон тариқдек эди. Қайга кетдинг, болам. Энди сени халқинг дoston айтиб йўқлар. Халқингга муносиб сен каби шерлар чикармикан яна?! Сендай арслонюрак йигитни туққанимга қувонар эдим! Чироғим, юзинг бўлсин! Илло, манзилинг ёруғ бўлсин!— дея онаси видолашиб турганда Ўташнинг уйига босмачилар ёпирилиб кирибди.

Онаси Ўташнинг қонини ювиб, сокол-мўйловини олтин тароқ билан тараб ўтирган экан. Босмачиларнинг саркардаси Сарихон:

— Алп — онадан, от — биядан, деган, ана, бўлсанг шундай одам бўл! Боласи ўлганда ҳам кўзига ёш олмай турибди-я! Бундайлигини билганимда ботирни отмас эдим! — дея афсус билан чиқиб кетибди. Сардорни Ўташнинг онаси отиб ўлдирибди. Қолган аскарлари қочиб қолибди.

Ҳозирги Ленинобод районидаги Янги қалъа деган жойда Ўташ ботирнинг элатдошлари яшайди. У ерда кишилар Ўташ ботирнинг қахрамонона ишлари тўғрисида қизиқ ҳикоялар, онасининг ақлли, тадбиркор, боласини ардоқлаб, ақл-идроқ ўргатганлари ҳақида тилларидан бол томиб афсоналар айтишади.

ЖИЙРОНЧАНИНГ УЙЛАНИШИ

Жийронча деган йигит бир неча ўртоқлари билан қайлик танлагани чиқибди. Кетиб бораётса, йўлда бир талай қизлар тезак териб юришган экан. Шу пайт ёмғир томчилай бошлабди. Қизлардан баъзилари қопларининг остига кириб ёмғирдан пана бўлишибди. Бир қиз эғнидаги нимчасини ечибди-да, тезагининг устига ёпибди, ёмғир тингунча қоп панасида ўтирибди.

Қизлар ёмғир тингач, қопларини орқалаб уйларига жўнашибди. Уларнинг орқалаган тезаклари эриб, майдаланиб кетибди, фақат бояги қопига нимча ёпган қизники майдаланмабди.

— Йигитлар, шу қизнинг уйига бошланглар, мен ўша қизга уйланаман, — дебди Жийронча.

Қизникига боришса, уйда тўшашга тўшаги, еярга нони ҳам йўқ экан. Шунда Жийронча:

— Йигитлар, емаганингизга овқат, ётмаганингизга тўшак бўлади, анови ажриқзорга ўтинглар! — дебди. Йигитлар уйнинг орқасидаги ўтлоққа ўтиб кетишибди.

Бир оздан сўнг қизнинг отаси ва онаси келибди. Жийрончанинг акаси улардан:

— Қизингизнинг қалин пули қанча бўлади? — деб сўрабди. Шу маҳал қиз сочини сийпабди. Жийронча эса соқолини сийпабди. Унинг акаси:

— Жийронча, қиз нима деяпти, сен нима деяпсан, туншунмадик-ку? — дея сўрабди.

— Қиз сочимнинг ҳар толасига тенг мол-дунё берсанг тегаман деди, мен соқолимнинг толасича мол берсам ҳам оламан, деяпман. — деб жавоб қилибди укаси.

Қизнинг ота-онаси қараса, йигит ва қизнинг бўй-бас-тигина эмас, ақллари ҳам бир-бирига мос экан. Оқил йигит ва оқила қиз шундай топишиб, мурод-мақсадларига етишибди.

ДОНО ҚОРАКЎЗ ОЙИМ

Қоракўз ойим сулув, ақлли келинчак бўлибди. Хоннинг вазирларидан бири уни хонга лойиқ аёл экан, деб мақтай-верибди. Бу гапни бир неча марта эшитгач, хоннинг ўзи ҳам Жийрончанинг хотинига ихлос қўйиб қолибди. У маслаҳатчиларини чақириб:

— Қани, жувонни қандай қўлга туширамиз? — деб сўрабди.

— Яқинда қаттиқ совуқ бўлади. Қоровулликка сендан ишончли одам йўқ, деб Жийрончани миноранинг юқорисига уч кун қоровулликка қўйсангиз. У совуқка чидаёлмай ўлади. Шундан кейин аёл сизники, — дебди вазири.

Бу гап хонга маъқул тушибди. У Жийрончани чақириб:

— Жигарим, яқинда бизнинг юртга ёв бостириб келмоқчи, деган совуқ хабар эшитдим. Қоровулликка сендан бошқа ишончли одам тополмадим, — дебди.

Йигит рози бўлибди. У қайтиб келиб хотинига бўлган гапни айтибди. Хотини унга:

— Яқинда уч кун ҳатто тупурсанг ерга тушмай қотадиган совуқ бўлади. Сенга чивик тегмаган кўзининг терисидан устингга, бошингга, оёғингга кийим тикиб бераман, уч кун тугул ўн кунда ҳам совуқ ўтмайди, — дебди.

Белгиланган вақт келиб, Жийрончани миноранинг бо-

шига чиқаришибди. Уч кундан кейин хон вазирлари келса, Жийронча миноранинг тепасида соппа-соғ турганмиш. Бошқа қоровуллар совукдан ўлиб қолибди. Хон ноилож:

— Жийронча, туш! — дебди. Жийронча пастга тушиб:

— Хоним, энди уйга юринг, чой ичиб кетинг, — дебди.

Қоракўз ойим ош дамлабди, сўнг сузиб келиб хоннинг олдига қўйибди. Паловдан еб ўтирган хон:

— Ош жуда мазали бўлибди, — деб мактабди.

— Сиз ҳам ўз боламдек бўлинг деб, паловга ўз сутимни соғиб пиширган эдим... — дебди Қоракўз ойим қув кўзларини ўйнатиб.

Қоракўз ойим Жийрончани ҳам, ўзини ҳам хоннинг зулмидан шундай кутқариб олибди...

ЭШАК-АВЛИЕ

Хонлик қақшатган, хонлик разолат ўтказиб турган даврда бирор марта эл жипслашганми? Асло! Халк ерсизликдан, сувсизликдан, адолатсизлик ва очликдан тинкаси қуриб, юртни ташлаб, бошқа элатларга қочиб кетган.

Бир чол эл-юртидан, тукқан-туғишганларидан ажралиб, қадрдонлари изидан етаман, деб эшагини миниб кетаверибди. Йўлда ўзи ҳам, эшаги ҳам очликдан ўлар ҳолга келибди. Манзилга яқинлашай деганда эшак жон берибди. Энди чолнинг юрагига қил ҳам сиғмай қолибди. У эшакни ўша ерга кўмибди-да, бошида ўтираверибди.

Ўтган-кетган йўловчилар:

— Бу қабр бирор қавмингизникими? — деб сўрашибди.

— Бу — катта авлиё эди, шу ерга келганда, бечора казо топди, — деб жавоб қилибди чол.

Олисдан келаётган йўловчилар эшакнинг руҳига куръон ўқиб, садақаларини чолга бериб кетадиган бўлишибди. Садақага тушган пулга чол ўша ердан қудук қаздириб, бошига гумбаз қурдирибди. Бу ер йўловчиларнинг баъзан тунайдиган, тушки иссиқда салқинлайдиган маконига айланибди.

Кунларнинг бирида бу ҳазратнинг ким эканлигини билгиси келиб, олим-зиёлилар қабрини очиб кўрса, ўлган эшакнинг суяги чиқибди.

Сўқир товукқа ҳамма нарса тарик бўлиб кўринади, деган мақол ўша замонда пайдо бўлган экан.

ХҲРОЗ НЕГА ҚИЧҚИРАДИ?

Қадим замонларда бир кекса бойнинг қизил хўрози бўлган экан. Хўрознинг патлари гавҳардай ёниб, олтиндай ярқираб турар экан. Тароқ кокилининг сулувлигига, патларининг тартибли, кўз-кўз турганига димоғи кўтарилиб, куни билан йўлга сиғмай, гердайиб, ўзича шер бўлиб юрар экан.

Ўша хўроз яшайдиган қишлоқда ёрқанот ҳам яшар экан. Ёрқанотнинг эғнида кийими бўлмагани сабабли бошқа қўшни қишлоқларга меҳмонга бормас экан. Хўрознинг устидаги қават-қават ипак чопонларни кўриб, сўрасам менга бир чопонини бермасмикин деб олайиб қўйса-да, бориб ботиниб сўрай олмас экан.

Бир куни ёрқанотнинг кўз қиймас дўсти тўй қилаётган



экан, уни тўйга чақирибди. Бормаса бўлмабди. Ноилож хўрозга келиб:

— Хўроз дўстим, чопонингни биттасини бир кунга бериб тур. Уйимиз яқин-ку, қайтибок келтириб бераман, — дебди.

— Қачон олиб келасан? — деб сўрабди хўроз.

— Азонда ёки тушда, кечиксам пешинда, — жавоб берибди дўсти.

Хўроз чопонни кўзи қиймай зўрға берибди. Ерқанот эса чопонни олиб кетибдию, лекин қайтиб келмабди.

Шундан кейин хўроз дўстининг ваъда берган вақти эсига тушиб, сахарда, тушда ва пешинда қичқиришга одатланиб қолибди.

Борнинг иши фармон билан, йўқнинг иши армон билан, деган нақл ҳам ўшанда пайдо бўлган экан.

ТЎҚУВЧИ ВА АЙИҚ

Бир тўқувчи доим ҳар хил нарсалар тўқиб сотиб кун кўраркан. У доим қалин ўрмонни оралаб юриб, ярокли ёғочларни топиб нарса тўқишга киришаркан.

Шу ўрмонни макон тутган бир айиқ тўқувчининг қилаётган ишини тўсатдан кўриб қолибди. «Шу нарсага менинг кучим етмайдими?» Ахир одамникидан кучим ҳеч кам эмас. Тўқувчидай нарса ясаб сотсам униқидан кўра кўпроқ пул тўплаб, қиссам қаппайиб юрмайдими?» — деб ўйлабди у. Кейин ўрмоннинг қалин жойига бориб йўғон ва нозик ёғочларни синдириб олиб, катта ёғочнинг орасига қисиб сават тўқимоқчи бўлибди. Ўша заҳоти ёғочлари

ёрилиб, бир хиллари синиб кетибди. Айиқ қаҳрга миниб, куйиб-пишиб, қайта-қайта ишласа ҳам тўқувчиникидек пишиқ чиқмабди. Ахир, ўрнини билиб ишлатмаса кўп кучнинг нима кераги бор?

Айиқ тўқувчининг ёнига ялиниб келибди.

— Сен тўқувчиликни ҳаммадан яхши биласан. Мен бор кучимни сарфласам ҳам бу иш кўлимдан келмади. Шу хунарингни сирини айтиб бер.

— Курук кучнинг фойдаси йўқ, — дебди тўқувчи. — Ишни яхши бажариш учун ақл, тадбиркорлик, тажриба, курол бўлиши, улардан фойдалана олиш керак. Сенда эса бу нарсалар йўқ. Сўнгра сен ҳеч нарса тўқий олмайсан. Бир қурбақа ҳўкиз бўламан деб қанча уринса ҳам ҳўкиз турқини ололмагандай, сен қанча ҳаракат қилсанг ҳам одам даражасига етолмайсан. Ғозга эргашиб қарғанинг чоти йиртилибди, деган гаплар ҳам бор, айиғим.

Айиқ маъюс тортиб қолибди...

ҚАРЧИҒАЙ БИЛАН ТУЙҒУН

Кунларнинг бирида ўрмонда чарх уриб юрган қарчиғай кутилмаганда қаноти синиб ҳар куни тутиб еб юрган ўлжалари рўпарасидан ўтганда кўзи оловдай ёниб қолаверадиган бўлибди.

Ўрнидан туриб юришга ҳам мадори келмагандан жуда хўрлиги келибди. Кумушдай ярқираган парлари ҳам тўкилиб кетибди. Қарчиғайнинг бундай аҳволини Туйғун кўриб қолиб, қошига келиб, манглайдан силаб:

— Дўстим, хафа бўлма! Қамликнинг қамоли бор, де-

ганлар. Мен сенга, ўртоқлик ҳаққи, ёрдам қиламан. Ис- сик томонларга кета олмай дарёнинг қирғоғида қолган кўп ўрдакларни кўриб келдим. Сенга ҳар куни битта ўрдак келтириб бераман. Шундай қилиб қишдан омон чиқарсан. Кўнглингдаги қайғу ҳам йўқолар, баҳорда канотинг ўсиб, аввалги холинга келарсан, — дея тасалли берибди.

Бу сирни бир қарға паналаб юриб эшитиб қолибди. Ўзича иссиқ ўлкага учиб кетишдан воз кечибди. Ўйлабди: «Ўрдакнинг ичак-чавоғини есам ўлмасман. Баҳоргача те- кин овқат еб, семириб қоламан».

Туйғун қарчиғайга ҳар куни бир ўрдак келтириб бе- риб турибди. Қарға ўрдакнинг ичак-чавоғини ебди. Қар- чиғайнинг қаноти соғайибди, янги пат ўсибди. Баҳор кел- ганда салқин кўклам шабадасида яйраб учибди.

Қарчиғай Туйғунга келиб:

— Сен чин дўст экансан. Менга дўстлик кўлини чўз- динг. Бундай ёрдамни ўз туғишганларимдан ҳам кўрга- ним йўқ. Ўлмасам бу яхшилигингни албатта қайтара- ман, — дебди.

Ичак-чавоққа тўйиб қишдан чиққан қарға эрта баҳор- да бола очибди. Полапонлар чийиллашиб онасидан ов- қат сўрай бошлашибди.

Шунда қарға:

— Нега ҳаммангиз овқат деб чувиллашаверасизлар? Мен сизлар тугул қарчиғайни ҳам қишдан омон олиб чиқ- дим. Кўп чийиллашаверманглар, — деб полапонларини урибди. Бу сўзларни Туйғун эшитиб қолиб жаҳли чиқиб- ди:

— Бировнинг овқатини еб қишдан омон чиққанингни нуутдингми? Бу гапинг араванинг соясида эргашиб келиб,

аравани мен тортиб келдим, деган итнинг мақтанишига ўхшаб кетди-ку. Очликда ёвғон ичган бўлсанг ҳам, тўқликда унутмагин, дейишган ахир.

Бу танбехни эшитиб, она қарға болаларининг олдида изза бўлибди.

АҚЛИМ БОР, ПУЛИМ ЙЎҚ

Бир кекса чол кўл бўйига келиб: «Ақлим бор-у, пулим йўқ», деб зор қакшаб йиғлаб ўтирган экан. Ўтган-кетганлар унга чақа ташлаб ўтишаркан. Кунларнинг бирида бу чолни хон чакириб олиб:

— Қани, оксокол, тўғриси айт: сени куну тун: «Ақлим бор-у, пулим йўқ», деб зорланишингни эшитдим. Хўш, бу нима деганинг? — дебди.

Чол жавоб берибди:

— Мухтарам хоним! Ўзингизга маълум, бойлик ҳам, бахт ҳам ерда. Менинг ақлим борлигининг фойдаси йўқ. Шу ақлнинг ўрнига камроқ бўлса ҳам пулим бўлсайди! Бундай замонда бойлик тўплаш биздай оч-яланғочнинг кўлидан келмайди. Мен бир кўл бўйида ўтираман. У кўлнинг суви ниҳоятда тиник. Кўлга термулсам гавҳарларни, ўйнаб юрган қундузларни кўраман. Ўша гавҳарларни олишга ақлим етади. Лекин пулим йўқ. Зор қакшашимнинг боиси шу.

Хон бу жавобни эшитгач:

— У гавҳарларни қандай олиш мумкин? — деб сўрабди.

— Кўлнинг ўртасига жуда кўп камиш тўплаб, сўнгра

унга ўт қўйиш керак. Камиш обдан ёнгандан кейин ўрнида кули қолади. Гавҳарларни бир-бирига уриб ўйнаб юрган кундузлар кимматбаҳо тошларни тишлаб келиб кулга тумшуғини уради. Қундузларнинг бурнига аччиқ кул кириб гавҳарни ўша ерга ташлаб кетади. Шундай қилиб, у бойликларни йиғиб олса бўлади, — дебди чол.

Хон чолнинг маслаҳатига кўнибди. Кейин у айтгандай қилибди: кўл ўртасига юз арава камиш тўқдириб, камишга ўт қўйиб, кўлдаги барча гавҳарларни тўплаб олибди. Шунда чол:

— Ер эр йигитнинг ризқини қирқ йил сақлайди, деган гап бор. Ернинг бойлиги адо бўлмас, болаларим. Ҳали барчангиз камолга етиб, барча бойликни қўлларингизга олиб, халқ манфаати учун фойдаланадиган вақт ҳам келар. Ўшанда жамики бечоралар сиздан миннатдор бўлмай. Менда ҳозир ёшниқандай куч-қувват, имконият йўқ. На чора, шу орзуларим рўёбга чиқишини ўйлаб роҳатланаман. Бизга шунинг ўзи ҳам бир давлат, — дебди.

Ер — одамнинг ризқи, деган мақолни биринчи марта ўша донишманд чол айтган экан.

ТЎҚ ТОҒИ

Бурунги замонларда Амударё Саманбой тўқайининг ичи билан орқага қараб оқар экан. Орқа томондаги қўпчилик элатлар Амударёдан сув ичар экан. Ўша замонда бир ўжар дев дарёнинг этагидаги оқимларга сув ўтказмаслик учун дарёни тўсмоқчи бўлибди. Этакдаги юрт қишилари бу хабарни эшитиб девга одам юборишибди.



— Қудратли дев, дарёни боғлама, нима тиласанг ҳам берайлик, — деб ялинибди чопар. Бирок девнинг ўжарлиги тутиб, кулоқ солмай кетаверибди.

Ўша юртда доно бир кампир бор экан. Кампир бу хабарни эшитиб, дев билан ўзим учрашайин, деб йўлга тушибди. Йўлда олдидан ўжар дев чикиб, у билан саломлашмай ҳам кетаверибди. Кампир девнинг феълини сезиб:

— Болам, майли, дарёни боғлай қол. Тошдай маҳкам қилиб боғла. Этакдагилар сув ичмаса, захар ичсин, — дебди.

Дев ажабланибди. Кейин ўжарлиги тутиб:

— Сендай бир кампирнинг айтганини қилиб аҳмоқманми? Бор, ишингни қил, дарё-парёнгни боғламайман, — деб жеркибди. Шундай деб этагидаги тупрокни турган жойига тўкибди-да, орқасига қарамай кетаверибди.

Ҳозирги Тўк тоғи ўша девнинг тўккан бир этак тупроғи экан, дейишади.

Бундан бир қанча вақтлар олдин Тўк тоғи турган жойда улкан қалъа бўлган. У ерда яшовчилар дехқончилик, чорвачилик, балиқчилик билан шуғулланган. Айтишларича, бу қалъа қорақалпоқларни қозоқлар, хоразмликлар билан боғлаб турадиган марказ бўлган эмиш.

ҚОПҚОНЧИ БИЛАН ТУЛКИ

Бир қопқончининг ўғли тулки тутмоқчи бўлибди. У қопқонни орқалаб Қизилқумга чикибди. Қизилқумда тулкилар макон қурган жойни топибди. Ўша ерга қопқон қуриб кетибди. Орадан бир кун ўтгач борса, қопқон атро-

фида из кўп эмиш, лекин копкондаги гўшт ейилган, тулки эса тузоққа тушмаган экан. Бола қари отаси — копкончи-га келиб бўлган воқеани айтибди. Отаси:

— Болам, тулки дунёдаги ҳайвонларнинг энг ҳийлақори. У копконнинг устидаги ўлжани думи билан секин тортиб олиб еб юрган бўлса керак. Энди копкон қурганда ўлжани қумга ботириброк қўй. Тулки овқатни думи билан тортиб оламан, деб сийпалаганда тушиб қолади, — дебди.

Қопкончи бола отаси айтгандай қилибди. Орадан икки кун ўтказиб борса, тулки копконга думидан тушиб турган экан.

Бошдан ўтган — табиб, қари билганни пари билмайди, деган мақоллар ўша вақтлари тўқилган экан.

МУНДАРИЖА

Новча мерган	3	
Хоннинг кизига уйланган йигит		10
Ақлли кил	13	
Шоколнинг подшо бўлгани хақида		15
Ботир куён	17	
Хунар ўрган	19	
Каттага ҳурмат	21	
Пичок	24	
Тулки билан хўроз	26	
Мактанчок сичқон	27	
Эчки, қўй ва хўкиз	28	
Арслон билан куён	31	
Шармандалик	34	
Яхшиликка яхшилик	35	
Эртақчи донишманд билан суҳбат		37
Евни аяган панд ейди	37	
Латиф ўтинчи	39	
Бахт излаган одам	43	
Тийин билан тўти	46	
Ҳаккабой	53	
Омон келди	58	
Ақлли чўпон	60	
Ўташ ботир	63	
Жийрончанинг уйланиши		66
Доно Қорақўз ойм	67	
Эшак — авлиё	68	
Хўроз нега кичкиради?		69
Тўқувчи ва айик	71	
Қарчиғай билан Туйғун		72
Ақлим бор, пулим йўк	74	
Тўк тоғи	75	
Қопқончи билан тулки	77	

Для детей среднего школьного возраста

На узбекском языке

ХАДЖИМУРАТ ТАДЖИМУРАДОВ

НА ОХОТЕ

Сказки

Издательство «Еш гвардия» Ташкент — 1989

Редактор *С. Сайдалиева*

Рассом *Г. Жирнов*

Расмлар редактори *Х. Раҳматуллаев*

Техн. редактор *В. Демченко*

Корректор *С. Сайдолимов*

ИБ № 2574

Теришга берилди 6.11.88. Босишга рухсат этилди 17.03.89. Формати 70×108¹/₃₂. 1-офсет қоғозга «литературная» гарнитурарада офсет босма усулида босилди. Босма листи 2,5. Нашр листи 2,98. Шартли босма листи 3,50. Шартли кр. отт. 3,85. Тиражи 45.000 Буюртма № 5050. Баҳоси 15 т. Шартнома № 125—88

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий комитети «Еш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700113, Чилонзор массиви, 8-квартал, «Правда» газетаси кўчаси, 60.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси, Тошкент, Ленин кўчаси, 41.